

## Ўзбекистон туризм соҳаси энг тез ривожланаётган давлатлар рейтингида 4-ўринни эгаллади

**UNWTO (Жаҳон сайёҳлик ташкилоти)нинг сўнгги маълумотларига кўра, Ўзбекистон туризм соҳаси энг жадал суръатларда ривожланаётган Топ-20 мамлакат рўйхатидан ўрин олган. Жумладан, мамлакатимиз туризм соҳаси энг тезкор ривожланаётган давлатлар рўйхатида тўртинчи ўринда қайд этилган, деб хабар бермоқда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси.**

**Ушбу рўйхатда, шунингдек, Озарбайжон ҳамда Қозоғистон мамлакатлари ҳам келтирилган бўлиб, улар мос равишда 17 ва 20-ўринларни эгаллаган.**




Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
6-fevral
payshanba

№ 6 (4444/4362)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz


ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКН! ▼

## ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

**Ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**





4–5



## ЮРТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 февраль куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Майкл Ричард Помпеони қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга икки томоннинг интилиши қатъий экани таъкидланди.

* * *

● Тошкентда Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг «C5+1» шаклидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ҳамкорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ўз ичига олган бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилинди.

* * *

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси ўтказилди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Кенгаш аъзолари томонидан Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқи ва Парламентга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури ҳамда Сенатнинг 2020 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси муҳокама қилинди.

* * *

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

**ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ
## ХАЛҚЧИЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Бухоро вилоятида бўлди. Вазирлик соҳавий хизматлари масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳнинг асосий эътибори вилоят ички ишлар органларининг тезкор хизмати фаолиятини ўрганиш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишларида олиб борилаётган ишлар билан танишиш ва амалий ёрдам беришга қаратилди.

2





ЭНДИ ЛОҚАЙДЛИК КЕЧИРИЛМАЙДИ

3

МУРОЖААТНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

8





ДОВРУҒИ ДОСТОН ГЕНЕРАЛ

9

ПАМЯТЬ – ИСТОЧНИК ЛЮБВИ К РОДИНЕ



15

ФАОЛИЯТ ВА ТАҲЛИЛ

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХАЛҚЧИЛ ТУЗИЛМАГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Генерал-лейтенант П. Бобожонов ташриф аввалида **Ғиждувон тумани** Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ва янги ташкил этилган ички ишлар бўлимлари фаолияти билан танишди. Жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, бу борада масъул ходимларга тегишли топшириқлар берди. Шунингдек, ҳудудда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик жараёнлари билан қизиқди.

Шундан сўнг вазир туман ички ишлар органларида хизмат фаолиятини олиб бораётган ёш ходимлар билан учрашди. Очиқ ва самимий руҳда ўтган учрашувда генерал-лейтенант П. Бобожонов бой иш тажрибаси билан ўртоқлашиб, ёш ходимларга юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилиш лозимлигини, Бухоро улуғ алломалар юрти эканлигини ҳамда уларга муносиб ворис бўлиш кераклигини уқтирди.

Худди шундай учрашув **Ромитан туманида** ҳам бўлиб ўтди. Учрашувда ёш ходимлар хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги ўз таклифларини билдиришди. Хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришган, ҳамкасблари орасида намунали хулқ-атвори билан ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ходимлар муносиб рағбатлантирилди.

Ғиждувон туманидаги «Чағдари» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ва йўлга қўйилган тизимнинг фаолият натижасида ўтган йилда умуман жиноят содир этилмади. Шу боис вазир буйруғига асосан, мазкур маҳаллага хизмат кўрсатувчи профилактика инспектори, лейтенант У. Бўриевга муддатидан олдин «катта лейтенант» махсус унвони топширилди.

Ташрифнинг иккинчи куни **Бухоронинг қадимий меъморий ёдгорлиги — Арк қўрғони олдидаги майдонда** бир гуруҳ ходимларни тақдирлаш маросими билан бошланди.

Тадбирда сўзга чиққан генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан янги Ўзбекистонни қуриш жараёнида мамлакатимизда тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўлида ички ишлар органлари ходимларининг хизматини янги босқичга кўтариш, улар учун барча зарур шароитларни яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Қайд этиш лозимки, Президентимиз ташаббуси билан вилоятдаги 416 нафар профилактика инспектори хизмат уйлари ва имтиёзли кредит асосида шахсий автомашиналар билан таъминланди. Биргина ўтган йилнинг ўзида ички ишлар органларининг бешта маъмурий биноси янгитдан қурилди, 22 таси капитал таъмирланди. Саф бўлинмаларига 63 та транспорт воситаси ажратилди. Охирги икки йилда 65 нафар ходим имтиёзли кредитлар асосида уй-жойга эга бўлди.

Генерал-лейтенант П. Бобожонов ўз сўзида ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида муносиб хизмат шароитларини яратиш бўйича вилоят ҳокимлиги билан яқин ҳамкорликка юқори баҳо берди.

Шундан сўнг юқорида айтиб ўтилган ишларнинг мантиқий давоми сифатида вазирлик томонидан 8 та хизмат автомашинасининг калитлари йўл-патруль хизмати инспекторларига тантанали равишда топширилди. Хизматда яхши натижаларга эришган бир гуруҳ ходимлар эса пул мукофоти билан тақдирланди.

Президентимиз 2019 йил 29—30 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида «Жорий йил охиригача аёлларнинг



ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, иш билан таъминлаш, жиноят содир этмаслиги учун зарур чораларни кўриб, Бухоро вилоятини хотин-қизлар билан боғлиқ барча масалалар бўйича энг намунали ҳудудга айлантиришимиз керак», дея таъкидлаган эди.

Қайд этиш лозимки, ўтган давр мобайнида вилоятда мазкур йўналишда ички ишлар органлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Вилоятда бошланган хотин-қизлар билан ишлаш тизими ҳозирги кунда республиканинг барча ҳудудларида «Бухоро тажрибаси» сифатида кенг жорий этилмоқда.

**Бухоро шаҳридаги «Оила» илмий-амалий марказида** бўлиб ўтган йиғилиш айни шу масалага бағишланди. Унда вилоят ИИБ Хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи, подполковник Д. Шаропова хотин-қизлар билан ишлаш борасида амалга оширилган тадбирлар, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар хусусида батафсил ахборот берди. Жумладан, «Бухоро тажрибаси» асосида амалга оширилган ишлар натижасида 14361 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ва муаммоли хотин-қизлар ўрганилиб, 11182 та муаммо аниқланганлигини, шундан 10447 та муаммо ижобий ҳал этилганлигини, ўз навбатида, аёллар жиноятчилиги салкам 58 фоизга камайишига эришилганлигини таъкидлади. Шунингдек, фаолият самарадорлигини ошириш борасида қатор таклифларни билдирди.

Шундан сўнг генерал-лейтенант П. Бобожонов ижтимоий муаммоли, ҳар томонлама кўмакка муҳтож аёллар билан ишлаш давомида эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим жиҳатларга тўхталди. Нотинч оилалардаги муаммоларнинг асл сабабини аниқлаб, бартараф этиш чоралари кўрилмаслиги оғир оқибатли жиноятлар билан тугалланиши мумкинлигини билдирди. Хотин-қизлар жиноятчилигининг энг асосий сабабларидан бири ишсизлик эканлигини инобатга олиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка йўналтириш борасидаги ишларни жадаллаштириш лозимлигини уқтирди.

Тадбир якунида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Куннинг иккинчи ярмида генерал-лейтенант П. Бобожонов Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган **Қоракўл тумани** Ички ишлар бўлими биносидаги шарт-шароитлар билан танишди, фаолиятни танқидий баҳолаб, тегишли кўрсатмаларни берди. Шу билан бирга, вилоятнинг чегара ҳудуди — **Олот тумани**даги криминоген вазият ҳақида Ички ишлар бўлими раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Вилоят ИИБда ишчи гуруҳ ўрганишлари якуни бўйича ўтказилган кенгайтирилган йиғилиш қизғин муҳокамалар остида ўтди. Унда 2019 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар танқидий таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, ўтган йил давомида вилоятда жиноятчилик 8,5 фоизга, шу жумладан, қотиллик 31,6 фоизга, оғир тан жароҳати етказиш 15,9 фоизга, босқинчилик 50 фоизга, ўғирлик 28,3 фоизга, фирибгарлик жиноят 10,4 фоизга камайишига эришилган. Кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда саъй-ҳаракатлар амалга оширилгани боис 179 та маҳаллада жиноят содир этилмаган, 170 та маҳаллада эса жиноятлар кўрсаткичи камайган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан вилоятда хотин-қизлар билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш борасида яратилган янги тизим — «Бухоро тажрибаси» асосида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари аъзолари, маҳалла фаоллари, аёллар билан иш олиб борувчи профилактика инспекторлари, мутахассис-психологларнинг ўзаро ҳамкорлиги ижобий самара бераётганлиги алоҳида таъкидланди. Келгусида бу борадаги ишларни, хусусан, аёллар ҳуқуқбузарлиги ва оилавий ажримларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ишчи гуруҳ ўрганишлари натижасидан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг Ғиждувон туманида аёлларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, улар билан тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида тумандаги 4 та Ички ишлар бўлимининг ҳар бирига ички имкониятлар ҳисобидан қўшимча хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор лавозимларини жорий этиш бўйича таклиф билдирилди.

Ёшлар иштирокидаги жиноятчилик таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, вилоятнинг ёшлар билан ишлаш тажрибасини намуна сифатида амалга ошириш, бу жараёнга ёш ходимларни ҳам кенг жалб этиш мақсадга мувофиқлиги айтилди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда вилоятнинг айрим ҳудудларида ички ишлар органларининг бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликда, аниқ ёндашув асосида тизимли иш олиб борилмагани қаттиқ танқид қилинди. Хусусан, вилоятдаги 109 та маҳаллада жиноятчилик кўрсаткичи ўтган йилга нисбатан ошгани айтилиб, ушбу ҳудудлар бўйича алоҳида «йўл хариталари» ишлаб чиқиш белгиланди.

Йиғилишда хизматни ташкил этишда жиддий камчиликларга йўл қўйган Қоракўл тумани ИИБ бошлиғи О. Курбонов, Бухоро вилояти ИИБ пробация бўлими бошлиғи Б. Асадов, Бухоро тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари Ш. Гадоев, Пешкў тумани ИИБ бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари А. Салихов, Қоракўл тумани ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи Ф. Норов ҳамда 6 нафар профилактика инспектори эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи Ж. Болтаев, Бухоро тумани ИИБ бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари М. Мустафоев, 1-сонли жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Т. Абдуллаевга нисбатан интизомий жазо чоралари қўрилди.

Йиғилиш якунида мавжуд камчилик ва хатоларни бартараф этиш, фаолият самарадорлигини ошириш, ички ишлар органларини халқчил тизимга айлантириш борасида бажарилиши лозим бўлган комплекс чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Қувват ЯРАШОВ,**
**майор.**
**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*



САРҲИСОБ

# ЭНДИ ЛОҚАЙДЛИК КЕЧИРИЛМАЙДИ

**Жорий йилнинг 31 январь куни Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Р. Хатамов ҳузурида ички ишлар органлари тизимидаги кадрлар бўлинмаларининг 2019 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.**



Ички ишлар органлари кадрлар бўлинмаларининг барча ходимлари ва раҳбарларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этган ушбу видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда сўнгги уч йилда Президентимиз Ш. Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тўғрисида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, йиғилишда 2019 йилда тизимнинг кадрлар билан ишлаш соҳасида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар, ижобий тенденциялар эътироф этилди.

Шу билан бирга, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилган ҳар бир йўналиш ва вазифаларга батафсил тўхталиб ўтилди. Хусусан, ички ишлар органлари фаолиятига билдирилган фикрлар ва ҳақли эътирофлар ходимларга етказилди, бу борада масъулларга алоҳида топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, йиғилишда тизимда йўл қўйилаётган камчиликлар, мавжуд муаммолар муҳокама қилиниб уларни бартараф этишга қаратилган амалий чора-тадбирлар белгиланди.

Танқидий руҳда ўтган ушбу йиғилишда ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашган 6 нафар ходимни лавозимидан озод этиш, 4 нафар ходимга нисбатан интизомий чоралар кўриш бўйича қарор қабул қилинди. Шунингдек, 20 нафар ходим қаттиқ огоҳлантирилди.



Йиғилишда 2020 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, ички ишлар органларида кадрлар сиёсатини тўғри ва адолатли олиб бориш, тизимни халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлантириш, ходимларни Ватанига ва касбига садоқат руҳида тарбиялаш, тараққиётнинг энг асосий тўсиқларидан бири бўлган коррупция балосига қарши кескин ва аёвсиз кураш олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

**Жамолиддин САЛОҲИДДИНОВ,**
**подполковник.**
**Абу КЕНЖАЕВ**
**олган суратлар.**

УЧИНЧИ СЕКТОРДА

# ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЁТГАНЛАР

**Сектор раҳбарлари ўз ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича ҳам зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда.**

Бу борада Фарғона вилоятининг Данғара туманида йўлга қўйилган ишлар ҳам алоҳида эътироф этишга арзийди. Хусусан, туман ИИБ бошлиғи, майор Шерзоджон Аҳмедов бошчилигидаги учинчи сектор ишчи гуруҳи фаолиятидан ҳудуд аҳолиси мамнун бўлмоқда.

Сектор раҳбарининг таъкидлашича, ишчи гуруҳи аъзолари ҳар бир хонадонга кириб, аҳоли муаммоларини жойида ўрганиш ва имкон даражасида ижобий ҳал этишга ҳаракат қилишмоқда. Масалан, аҳоли мурожаатлари инобатга олиниб, сектор ҳудудидаги газ қувурлари қайтадан таъмирланди, 3 та юқори босимли, 52 та паст босимли газ тарқатиш шохобчалари кўрикдан ўтказилди. Бойбўта, Янгизамон, Катта Минглар, Раҳматилло маҳаллалари ҳудудидаги 1641 та хонадон табиий газ тармоғига уланди. Табиий газ билан таъминланмаган ҳудудларга суюлтирилган газ етказиб бериш ишлари қатъий назоратга олиниб, эҳтиёжи бор хонадонларга 129 та янги газ баллони тарқатилди.

Сектор ҳудудида электр таъминотини яхшилаш мақсадида 22 та трансформатор пунктида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилди, 2 та янги трансформатор ўрнатилди. Аҳолининг ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларини ижобий ҳал этиш учун эса 4 километрга яқин сув тармоғи тортилди. Катта Аравон қишлоғида битта янги насос ҳамда бошқарув шити ўрнатилди. Худди шунингдек, 2200 метр йўл асфальт қилинди, 4450 метр масофадаги ички йўлларга шағал ётқизилди.




*– Секторимиз таркибига 14 та маҳалла фуқаролар йиғини киради, – дейди майор Ш. Аҳмедов. – Мазкур маҳаллаларда 9653 та хонадон мавжуд бўлиб, 49249 нафар фуқаро истиқомат қилади. Шунингдек, ҳудудимизда 2 та коллеж, 11 та мактаб, 13 та мактабгача таълим, 3 та тиббиёт муассасаси ва 289 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатади.*

Аҳолини иш билан таъминлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиляпти. Масалан, 2019 йилда 546 киши ишга жойлаштирилди. 13 нафар фуқаро касбга тайёрлаш ўқув курсларига юборилди, 39 нафарига эса ишсизлик нафақаси тайинланди.

Сектор ҳудудидаги Қизилмушт маҳалласида бир бино кўп йиллардан бери бўш турарди. Айни пайтда сектор ишчи гуруҳи кўмагида ушбу бино ва унинг ер майдонида кичик саноат зонаси ташкил этиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

– Мазкур бино ва у эгаллаган ер майдони кичик саноат зонасига айлантирилса, бу ерда камида 15 та тадбиркорлик субъекти иш бошлаши мумкин, – дейди сектор масъул котиби, туман ИИБ ташкилий бўлинма бошлиғи, майор Адҳамжон Эргашев. – Биз кўзлаган лойиҳалар амалга ошса, 500 га яқин янги иш ўринлари яратилади. Бу шунча қишлоқ одамлари муқим иш ўрнига, даромад манбаига эга бўлади, деганидир.

Данғара туманидаги 3-секторда амалга оширилаётган бу каби хайрли ишлар ҳақида кўп ва хўп ёзиш мумкин. Бироқ гапнинг мухтасари шуки, бугун давлат идоралари халқимизга хизмат қилмоқда, раҳбарлар эса эл дарди билан яшамоқда. Бу – энг муҳими!

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

## ТАЙИНЛАНДИЛАР

***Полковник Каримов Жамшид Абдуҳакимович*** – ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари – Йўл ҳаракати хавфсизлигини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимига

Тайинловга қадар Ж. Каримов Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЙПХ бригадаси командири лавозимида фаолият юритган.

***Полковник Юнусметов Равшан Азадбекович*** – Наманган вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи лавозимига

Тайинловга қадар Р. Юнусметов ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари – Йўл ҳаракати хавфсизлигини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

***Подполковник Забиров Руслан Борисович*** – Сирдарё вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимига

Тайинловга қадар Р. Забиров ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси, ахборот-таҳлил бўлими муҳим топшириқлар бўйича инспектори лавозимида фаолият юритган.

***Полковник Мусаев Улуғбек Исматович*** – Қашқадарё вилояти ИИБ бошлиғининг пробация ва жазони ижро этиш масалалари бўйича ўринбосари лавозимига

Тайинловга қадар У. Мусаев Бухоро вилояти ИИБ жазони ижро этиш бўлими 17-сонли жазони ижро этиш колонияси бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

***Подполковник Сайдазимов Музаффар Махаматгазиевич*** – Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИОФМБ бошлиғи лавозимига

Тайинловга қадар М. Сайдазимов Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИОФМБ бошлиғининг тезкор ишлар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритган.

ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКН! ЁШЛАР — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ЁШЛАРНИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ШИЖОАТИГА БОҒЛИҚ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 27 декабрь куни ёшлар билан ўтказган учрашуви чоғида уларни ўйлантираётган муаммолар, ёшлар билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича қатор таклифларни ўртага ташлаган эди. Қолаверса, Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшлар масаласига тўхталиб, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлодни тарбиялаш зарурлигига алоҳида урғу берди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ИИВ Академиясида ёшлар билан учрашув ташкил этилди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятининг илк кунлариданоқ ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратган эди, – деди очиқ мулоқотда ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов. – Ўтган йиллар мобайнида бу йўналишда улкан ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Келажагимиз давомчиларининг орзу ва мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган бешта муҳим ташаббус ҳаётимизга татбиқ этилди. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимизнинг ёруғ истиқболи учун хизмат қилмоқда. Аммо ёшлар билан ишлаш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам борки, бу йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш, уларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш каби устувор йўналишларда намоён бўлмоқда.

Мулоқотда ёшлар билан мақсадли ишлаш, уларни ўйлантираётган муаммоларнинг ечимини топиш ва таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, иқтидорли, фаол ҳамда ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим олиши, маънан ва жисмонан баркамол вояга етиши, етук мутахассис бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бир сўз билан айтганда, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳақида сўз борди.

– Бугунги учрашув биз ёшлар учун ҳар томонлама фойдали бўлди, – дейди Ички ишлар вазири стипендианти, курсант Гулмурод Ўролов. – Ташаббус ва муаммоларимиз, истиқболдаги мақсадларимиз юзасидан фикр алмашдик. Президентимиз ёшлар билан ўтказган учрашувлари чоғида «Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамиз», деган эди. Биз, навқирон авлод давлатимиз раҳбари томонидан бирдирилаётган юксак ишонч ва эътиборни ҳис қилган ҳолда, жамиятимизда кечаётган ислоҳотларга камарбаста бўлишимиз керак.

Тадбирда «Ижодкор ёшлар» клубини йўлга қўйиш, «Академия ифтихори», «Энг фаол курсант», «Энг фаол тингловчи» кўкрак нишонларини таъсис этиш, ички туризм, ўқув жараёнида ахборот технологиялари, хорижнинг илғор тажрибалари ва замонавий ёндашувларни янада кенгроқ татбиқ этиш, «устоз-шогирд» анъаналари асосида маънавий-маърифий учрашувлар, ўқув машғулотларини ўтказиш, илмий тадқиқот фаолиятини кенгайтириш борасида қатор таклифлар ўртага ташланди. Президентимиз мурожаатномасида кўрсатиб берилган вазифалар асосида самарали чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ВСТРЕЧА С МОЛОДЕЖЬЮ

**Под руководством Президента нашей страны проводится большая работа по дальнейшему повышению роли молодежи в обществе, созданию необходимых условий для ее развития, изучению проблем подрастающего поколения и оказанию практической помощи в их решении.**



Свой вклад в реализацию поставленных задач вносит и МВД Республики Каракалпакстан. Руководством министерства регулярно проводятся встречи в образовательных учреждениях региона, направленные на решение проблем юношей и девушек. Очередная встреча состоялась в Бузатовском районе республики.

В ней приняли участие заместитель председателя Совета Министров Республики Каракалпакстан М. Жуманов, министр внутренних дел Республики Каракалпакстан полковник А. Темирханов, заместитель министра МВД РК полковник И. Ахмедов, советник министра полковник в отставке О. Турдаков и хоким района М. Кайпанов.

Выступавшие отмечали, что на сегодняшний день внимание молодежи уделяется на государственном уровне. Они предоставили рекомендации по эффективному использованию имеющихся возможностей и воспитанию подрастающего поколения гармонично развитыми личностями.

— Бузатовский район в течение многих лет оставался без внимания. В прошлом году, в ходе посещения Республики Каракалпакстан Президентом нашей страны была выдвинута инициатива по реорганизации района. Это стало для нас радостным событием. Сегодня руководство МВД РК проводит встречу с молодежью, изучает ее проблемы, выслушивает предложения. Это дает надежду, укрепляет веру юношей и девушек в завтрашний день, — говорит начальник Бузатовского РОВД подполковник Р. Турганбаев.

В ходе встречи руководители подробно ответили на все вопросы. Высказанные молодежью предложения об организации экскурсий в различные регионы страны, в частности Президентскую школу и школу имени И. Юсупова, доставке художественных книг в отдаленные районы, ремонте дорог будут решены положительно.

Юноши и девушки района, проявляющие активность в общественных делах, способствующие предупреждению преступности и правонарушений, были награждены почетными грамотами, им вручили книги.

Руководство МВД Республики Каракалпакстан ознакомилось с работой, проводимой в районной общеобразовательной школе № 1, побеседовало с учащимися 11-х классов, приняло участие в соревновании по шахматам, победителей которого наградили дипломами.

Мероприятие украсила выставка специальных автотранспортных средств отраслевых служб МВД Республики Каракалпакстан и показательное выступление МООН.

Подобные встречи состоялись в Академическом лицее при Нукусском государственном педагогическом институте и районах Нукуса. Юношам и девушкам, проявляющим активность в общественной работе, спортсменам были вручены благодарственные письма от имени министерства и книги.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Республика Каракалпакстан.*

# ШУ ВАТАНГА ПОСБОНЛАРМИЗ!



Тўмарисга авлод бўлган,
Ватан ишқин дилга солган,
Халқнинг дуосини олган,
Юртга жони қалқонлармиз,
Шу ватанга посбонлармиз!

Барчинойдан олиб сабот,
Дилда сақлаб эзгу баёт,
Тинчлик учун бўлиб қанот,
Ор-номуси осмонлармиз,
Шу ватанга посбонлармиз!

Мустақиллик эзгу бир нур,
Шундай гўзал ватанда ҳур,
Дилларга бахш этиб ғурур,
Юртини севган жонлармиз,
Шу ватанга посбонлармиз .

Хизматимиз ички ишлар,
Сафда юриб ёзу қишлар.
Муқаддас бурч олға бошлар,
Йўли ёруғ равонлармиз
Шу ватанга посбонлармиз!

**Сарвиноз ДУШАНОВА,**
**Навоий шаҳар ИИОФМБ 2-сонли ИИБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, капитан.**

* * *



Бугун мен шу юртнинг бахтли дилбанди,
Шу элнинг метиндай қалқонидирман.
Бир жонмас, минг жонни фидо қилгувчи,
Ўзбекистонимнинг ўғлонидирман.

Ҳар меҳнат йўлида машаққат бисёр,
Аммо бу машаққат кўксимдаги ор.
Токи бор экан бу танамда жоним,
Сенга фидо бўлсин, Ўзбекистоним.

Елкамда тоғдайин ишонч туради,
Халқимнинг шиддатли одимидирман.
Қасами мустаҳкам, аҳдига содиқ,
Мен ички ишлар ходимидирман.

**Одилбек ЎРИНОВ,**
**лейтенант.**
*Бухоро вилояти.*

* * *



Халқим, менга берган нон-тузинг оқлаб,
Тинч осмонинг учун қалқон бўламан.
Мардларинг сафида шахдам қадамлаб,
Ўзбекистонимга хизмат қиламан!

**Севара ФАЙЗУЛЛАЕВА,**
**ИИВ Навоий академик лицейи 3-курс ўқувчиси.**

ВНИМАНИЕ: НОВАЯ РУБРИКА // МОЛОДЕЖЬ – НАШЕ БУДУЩЕЕ

# ВЕК ИННОВАЦИОННЫХ РЕСУРСОВ

**Санжар АЛЛАМБЕРГЕНОВ,**
**учащийся второго курса Каракалпакского академического лицея МВД Республики Узбекистан:**

– 24 января нынешнего года Президент Республики Узбекистан обратился с Посланием к Олий Мажлису. Я с большим интересом слушал выступление главы государства.



В Послании говорится о необходимости уделять особое внимание образованию и воспитанию молодежи. Мне понравилось высказывание Президента о том, что «наука и просвещение имеют первостепенное значение для повышения интеллектуального и духовного потенциала не только молодежи, но и всего общества. Там, где не развивается наука, наблюдаются регресс, отсталость общества во всех сферах». Большое впечатление произвели на меня слова о том, что «коренные преобразования в нашей стране обуславливают актуальность дальнейшего развития государственной молодежной политики. Мы должны ввести единые критерии оценки эффективности работы с молодежью, национальный индекс оценки молодежной политики».

Внедрение современных образовательных и воспитательных методик, полностью соответствующих национальному менталитету, способствует ограждению нашей молодежи от чуждой идеологии. В стране открываются Президентские школы, творческие учебные заведения, называемые в честь великих поэтов и писателей, средние специальные образовательные учреждения, специализирующиеся на подготовке ведущих кадров. Уместно было бы привести в качестве примера Каракалпакский академический лицей МВД Республики Узбекистан, в котором я учусь.

В Послании главы нашего государства говорится: «Стремление овладевать современными знаниями, быть просвещенными и обладать высокой культурой должно стать для всех нас жизненной потребностью». В соответствии с этим я определил для себя цель – тщательно овладеть предметами, чтобы самоотверженно служить в органах внутренних дел, устанавливая мир и спокойствие в стране.

**Мардонбек ЭРГАШБОЕВ,**
**студент Специализированного филиала Ташкентского государственного юридического университета:**

– XXI век – век инновационных ресурсов, интеллектуального поколения. На примере развитых стран видно, каких результатов можно добиться, если усилить внимание к образовательной системе, распространять просвещение. Рассмотрим, к примеру, опыт Финляндии.

В этой скандинавской стране обучение в большинстве высших образовательных учреждений является бесплатным, детям за посещение школы выплачивается определенная сумма, в частных школах налажено бесплатное обучение талантливых детей. Когда у бывшего Премьер-министра Финляндии Антти Ринне спросили, почему страна выделяет так много денег на образование, он ответил, что финансирование осуществляется не правительством, а за счет налогов, выплачиваемых народом, значит, люди сами платят за обучение своих детей.

Несомненно, Президент нашей страны хочет видеть Узбекистан в ряду таких развитых стран, как Финляндия. С нынешнего года впервые будет внедрена система подготовки к школе детей 6-летнего возраста, охват молодежи высшим образованием в 2020 году достигнет 25 процентов. Согласно предложению, выдвинутому Президентом нашей страны, реализация этой задачи не должна зависеть от оплаты контракта. Охватить высшим образованием целеустремленную, активную молодежь, готовую непрерывно работать над собой, желающую получить хорошую специальность и приносить пользу стране, можно посредством увеличения размера государственного гранта в два раза. Теперь ежегодно будет обозначено несколько приоритетных направлений науки, разработаны четкие механизмы их развития.

Реализовать эти задачи можно регулярным финансированием системы и ее совершенствованием.

# «ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУР»

**Ғайрат-шижоатли, ҳушёр ва зийрак, фикри тиниқ, касбига меҳри баланд бўлган ёшлар юртимиз истиқболидир. Бундай йигит-қизлар ўзларининг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлишмоқда.**

Гурлан туманидаги Мойли ҳамда Қатариқ маҳаллаларида тинчлик-осойишталикни таъминловчи 88-Ички ишлар органлари таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Мансур Нуруллаев ҳам ана шундай фидойи ёшлардан бири. Унинг хизмат ҳудудида 5500 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг мингдан ортиғи ёшлардан иборат. Профилактика инспектори ўтган йилда майда безорилик, жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилиш, паспорт тизими ҳамда санитария-гигиена қоидаларига риоя этмаслик каби ҳуқуқбузарликлар содир этган 131 нафар фуқарога нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирди.



Бир нафар шахс вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ реабилитация марказига жойлаштирилди. Ҳуқуқбузарлик содир қилишга мойил бўлган 7 нафар фуқаро профилактик ҳисобга олиниб, улар билан тизимли равишда суҳбатлар ўтказилди. Маҳалла фаоллари ҳамкорлигидаги профилактик тадбирлар натижасида ажралиш остонасида турган 5 та ёш оила сақлаб қолинди. Фуқароларнинг турли мазмундаги 47 та ариза ва шикояти ўз муддатида кўриб чиқилиб, қонун доирасида ҳал қилинди.

Мисоллардан кўриниб турибдики, профилактика инспекторининг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорлиги самарали ташкил этилган ҳамда кўплаб ҳуқуқбузарликларнинг олди олинган. Жорий йилда ҳам бундай тадбирларнинг самарадорлигини ошириб, халқнинг дарди, ташвиши билан яшаш инспекторнинг кундалик шиорига айланган.

Мана, олти йилдирки, халқ осойишталигини таъминлашдек шарафли касбда сидқидилдан хизмат қилаётган катта лейтенант Мансур Нуруллаев камтарлиги, хушмуомалалиги ва меҳнатсеварлиги билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

– Ёш ходимни фуқароларимиз жуда ҳурмат қилади, — дейди «Мойли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамро Саидов. — Чунки у доимо халқ орасида. Бирор юмуш билан ҳузурига борган киши дарҳол муаммосига ечим топади. У одамлар дардига қулоқ тутади, ёрдамини аямайди.

Профилактика инспектори оилавий можароларни ҳал этиш, фуқароларни иш билан таъминлаш, тўй-ҳашамларни белгиланган тартиб-қоидалар бўйича ўтказиш, ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги иштирокини назорат қилиш каби масалаларни маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ҳал этади. Ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалардаги аҳволни атрофлича ўрганиб чиқиб, амалий ёрдам бермоқда. Бу хайрли ишларда унга маҳалла оқсоқоллари Шуҳрат Одилов, Ҳамро Саидов, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари Мансур Адилов, Сардор Абдуллаев, хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар Гулбаҳор Тожибоева, Ойша Бобониёзова, маҳаллалар фаолларидан Солий Жумабоев, Ҳожибой Ибодуллаев, Худоёр Абдуллаев, Отабек Маткаримов, Улуғбек Давлатов, Карим Қурбонбоев, Зулфия Ҳайтимова, Холида Муҳиддинова каби фидойи инсонларнинг ҳиссаси самарали бўляпти. Ҳамкорликдаги бундай хайрли ишлар натижасида маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқлари анча юксалиб, аҳолининг тинчлик-осойишталиги таъминланмоқда. Қолаверса, 2017 йилдан буён унинг хизмат ҳудудида жиноят содир этилмади.

— Профилактика инспекторларининг хизмат турар жойлари ҳамда узоқ муддатли имтиёзли кредит асосида шахсий автомашиналар билан таъминланиши хизмат самарадорлигининг ошишида муҳим омил бўлди, — дейди катта лейтенант Мансур Нуруллаев. — Айни пайтда биз каби ёш ходимларга яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноят содир бўлишига имкон бераётган сабабларни эрта аниқлаш ва бартараф этиш, маҳалладаги айрим муаммоларни тегишли ташкилот ҳамда муассасалар раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз. Бундай саъй-ҳаракатларимиз юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўляпти.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

# ФЕСТИВАЛЬ ПЯТИ ИНИЦИАТИВ: ВЫЯВЛЕНИЕ ТАЛАНТОВ И СПОСОБНОСТЕЙ

**Музыка и танцы, компьютерная техника и рукоделие, чтение и рисование – все эти увлечения развиваются в детском возрасте, когда у ребенка начинает формироваться мировоззрение. В нашей стране созданы все необходимые условия для обучения и профессиональной ориентации подрастающего поколения**



В рамках реализации пяти важнейших инициатив повсеместно проводятся молодежные фестивали. Недавно под девизом: «Пять инициатив – пять возможностей» прошел фестиваль в школе № 132, расположенной на территории сектора № 3 по социально-экономическому развитию города Шайхантахурского района столицы.

В мероприятии, организованном по инициативе руководителя сектора – начальника УКД ОВД Шайхантахурского района полковника



У. Нарзуллаева, приняли участие заместитель начальника ГУВД г. Ташкента полковник М. Вафоев, ответственные сотрудники УКД ОВД района, представители хокимията, районо, Министерства обороны и другие.

Как отметили организаторы, основная цель фестиваля – повышение уровня духовности молодежи, выявление ее способностей и талантов. Проведение такого плана мероприятий способствует росту активности мальчиков и девочек, приобщению их к процессам, происходящим в обществе. Было подчеркнуто, что в воспитании всесторонне развитых личностей, в первую очередь, велико значение семьи, но немаловажную роль играют и школьные педагоги. Ведь именно учитель дает необходимые в жизни знания, развивает навыки, подмечает особенности, интересы детей и старается раскрывать их таким образом, чтобы в будущем это помогло ребенку определить свой путь в жизни.

Гости фестиваля убедились, что в школе № 132 работают именно так. Здесь учатся 1 537 учеников, и практически у каждого есть увлечение. Более 82 процентов учащихся посещают различные секции в целях общего развития. В школе функционируют порядка 42 кружков, в том числе по труду, музыке, танцам, иностранным языкам и литературе, кройке и шитью, начальной военной подготовке, робототехнике, моделированию физических процессов и компьютерной грамотности, психологической разгрузке. Работает свой кукольный театр.

Гости ознакомились с деятельностью секций. В холле стройной шеренгой выстроились воспитанники кружка начальной военной подготовки «Шункорлар». Командир доложил о готовности к строевому смотру.

В фойе расположилась выставка – рисунки, образцы изделий национально-прикладного искусства, народные куклы и традиционная одежда были выполнены руками школьников.



В ходе мероприятия, в рамках реализации третьей инициативы по организации эффективного использования компьютерных технологий и интернета среди молодежи и населения ученик 10 «Б» класса Шоислом Шоалимов поделился знаниями и опытом в сфере программирования и использования компьютерных технологий и интернета.

Живое музыкальное исполнение, декламация стихов, выразительное чтение отрывков из поэм на иностранных языках вызвали огромный интерес гостей фестиваля. К слову, в марте 2019 года члены клуба дебатов принимали участие в конкурсе, организованном среди студентов 2-го курса Ташкентского химико-технологического института и Ташкентского государственного педагогического университета имени Низами, и завоевали первое место. В рамках фестиваля состоялись также показательные выступления членов кружков начальной военной подготовки, таэквондо, были представлены достижения учеников.

В заключение мероприятия от имени руководства ГУВД и УКД ОВД Шайхантахурского района самым активным и одаренным учащимся объявили благодарность и вручили книги.

Пять важнейших инициатив Президента нацелены на воспитание подрастающего поколения. На примере школы № 132 мы убедились, что руководство и педагоги образовательного учреждения творчески подходят к обучению учащихся премудростям жизни, умению трудиться для достижения поставленной цели, взращивают в них духовность, развивают интеллект – воспитывают достойных граждан нашей страны.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото Фархода ПУЛАТОВА.**







МАҲАЛЛА ТИНЧ – ЮРТ ТИНЧ

# ИЛҒОР ИШ УСЛУБИ

## жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда кутилган натижани беради

**Маҳалла – ватан ичра ватандир. Бу масканда бебаҳо миллий қадриятлар, юксак инсоний тамойиллар қарор топади. Аҳиллик, тотувлик ва бирдамлик барқарор бўлган жойда кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермайди. Бир сўз билан айтганда, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.**

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7–8 июль кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Наманган шаҳридаги Орзу маҳалласи иш услубини республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш белгиланган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу илғор иш тажрибасини кенг оммалаштириш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Аввало, жойларда ижобий тажрибани республиканинг барча ҳудудларида татбиқ этиш бўйича семинар машғулотлари ташкил этилиб, уларда Орзу маҳалласи иш услуби ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, ўтган 2019 йилда маҳаллаларда мутасадди раҳбарлар томонидан 12 866 марта сайёр қабуллар, учрашувлар ташкил этилиб, уларда фуқароларнинг кундалик муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш чоралари кўрилди. Аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабардор қилиш, уларнинг огоҳлигини кучайтириш, қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида маҳаллаларда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар 7 146 марта сайёр судларда кўриб чиқилди.

Ўтказилган тадбирлар самараси ўлароқ, республикадаги мавжуд 9 116 та маҳалланинг 3 074 тасида умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмади, 2 856 тасида жиноятлар камайишига эришилди.

Албатта, бу натижалардан тўла қониқиш ҳосил қилиш мумкин эмас. Шу боис ҳуқуқбузарлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича тадбирларни янада кучайтириш ва тизимли ташкил этиш мақсадида Орзу маҳалласи иш услубини қўллаш мақсадага мувофиқдир.

Жумладан, ҳар бир маҳалла ҳудудидаги тезкор криминоген вазиятдан келиб чиққан ҳолда, маҳалла чизма харитасини ишлаб чиқиб, тегишли демографик маълумотлар билан жамлаш лозим. Шу билан бирга, маҳаллада яшовчи аҳоли ва оилалар сонидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари, маҳалла ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турувчи шахсларни тоифаларга ажратиб, уларнинг рўйхатларини қайтадан шакллантириш зарур. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоқи туман бўлими, уй, кўча бошчилари, намунали оилалар вакиллари ва бошқа жамоатчилик вакиллари ҳисобда турувчи шасхларга мураббий этиб бириктирилади.

### «ОРЗУ» МАҲАЛЛАСИНИНГ ХАРИТАСИ

**УМУМИЙ МАЪЛУМОТ**

**Маҳалла майдони - 250 га**
**Аҳоли сони - 6 331**
**Жиноятлар сони - 2**

**ИНФРАТУЗИЛМА БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ**

боғчалар сони - 1 та
мактаблар сони - 1 та
шифохоналар сони - 1 та
спорт мажмуалари - 1 та
ишлаб чиқариш корхоналари - 16 та
умумий овқатланиш шохобчалар сони - 1 та
савдо дўконлари - 8 та
жамоатчилик назорат масканлари - 4 та
кузатув видеокамералари - 74 та



Масалан, ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турувчи шахсларга бириктирилган мураббийларга қуйидаги вазифалар юклатилади:

– профилактик ҳисобда турувчи шахс билан мунтазам равишда (ҳар 10 кунда камида бир маротаба) профилактик суҳбат ўтказиш;

– профилактик ҳисобда турувчи шахсни нотўғри йўлга кириб кетиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни ўрганиш орқали уларни тарбиялаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

– профилактик ҳисобда турувчи шахсларнинг оиласида шаклланган муҳитни, турмуш тарзи, оилавий шароити, ижтимоий-иқтисодий муаммолари билан доимий равишда танишиб бориш;

– профилактик ҳисобда турувчи шахсларни маҳаллада ўтказиладиган барча тадбирларда (тўй, маърака, ҳашар ва ҳакозо) иштирокини таъминлаш орқали ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– профилактик ҳисобда турувчилар (айниқса, сурункали ичувчилар, гиёҳвандлар) ҳамда уларнинг яқинлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, улар орасидан мажбурий тиббий муолажага муҳтож бўлганларини ихтисослаштирилган тиббий муассасаларга жойлаштириш бўйича профилактика инспектори орқали соғлиқни сақлаш органларини хабардор қилиш;

– профилактик ҳисобда турувчилар ва уларнинг яқинлари ўртасида касбга йўналтириш бўйича тушунтиришлар олиб бориб, иш ҳамда касбга ўргатувчи тўгаракларга жалб этиш, уларни иш билан таъминлашга амалий ёрдам бериш;

– профилактик ҳисобда турувчилар ва уларнинг вояга етмаган фарзандларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида профилактика инспекторининг кунлик иш фаолияти тизими белгиланган бўлиб, ҳудудда иш олиб бориш тартиби тахминий 7 қисмга бўлинади.

Профилактика инспектори давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб чора-тадбирларни амалга оширади. Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда аҳоли муаммоларини ўрганади, оилалар ва фуқаролар билан ишларни ташкил этади. Бандликка кўмаклашиш марказлари билан эса ишсиз фуқароларнинг ишга жойлашишига кўмаклашади. Худди шунингдек, таълим муассасалари билан биргаликда, мунтазам равишда дарсга қатнашмаётган ўқувчиларни ўқув жараёнига жалб этиш, ўқувчиларни турли тўгаракларга қизиқтириш ишларини олиб боради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур илғор тизим маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда ўз самарасини беради.

**Фурқатжон ГАЙБУЛЛАЕВ,**
**ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси катта инспектори, катта лейтенант.**

### МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ҲАМКОРЛИГИДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ КУНЛИК ИШ ФАОЛИЯТИ






УЛАР ҲАР СОҲАДА ФАОЛ

# МУРОЖААТНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

**Учтепа тумани ИИОФМБ 2-ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, майор Нилуфар Собирова ҳар бир мурожаатга алоҳида эътибор қаратади, уларни тез ва ижобий ҳал этишга ҳаракат қилади.**



– Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш мақсадида оилалардаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож, шароити оғир хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади, – дейди майор Нилуфар Собирова. – Бугунги кунда қайнона-келин муносабатлари, эр-хотиннинг бир-бирини ўзаро тушунмаслиги каби салбий ҳолатлар оилаларда турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Гоҳида қайноталар ҳам бундай жанжалларга аралашиб қолишяпти. Аслида қайнотанинг оиладаги келишмовчиликларни босиқлик билан, чуқур мушоҳада юритган ҳолда бартараф этиши миллий қадриятларимиздан саналади. Энг ачинарлиси, бундай ҳолатлар оилада улғаяётган ёш болаларнинг таълим-тарбиясига салбий таъсир этади.

Дарҳақиқат, Н. Собированинг куюнганича бор. Ахир, болаларнинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши оилавий муносабатларга боғлиқ.

Майор Н. Собирова Алихонтўра Соғуний номли, «Дийдор», «Диёробод», «Янгийўл», «Фозилтепа», «Катта қани», «Қозигузар» маҳалла фуқаролар йиғинларига хизмат кўрсатади.

*Н. Собированинг фуқаролар билан муомаласи, ҳужжатлар билан ишлашда соҳа сир-асрорларини пухта ўзлаштиришида устозлари, истеъфодаги полковник Рустам Отажонов ҳамда ҳозирда Учтепа тумани ИИОФМБ 3-ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Наврўз Хидиралиевнинг алоҳида ўрни бор.*

– Маҳалламизда 4852 нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди Алихонтўра Соғуний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳмад Исмоилов. – Уларнинг 2300 нафардан ортиғини аёллар ташкил этади. Тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш орқали ортиқча исрофгарчиликларга йўл қўймаслик, хотин-қизлар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилаларда турли келишмовчиликларни ҳал этишда Нилуфар Собирова алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.

Албатта, бу хайрли ишларда у ҳудуд профилактика инспекторлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда Матлуба Худойбердиева сингари маҳаллаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар кўмагига таянади.

Бўш вақтини умр йўлдоши билан фарзандлари тарбиясига бағишлаётган Нилуфар Собирова ҳар доим оиласининг тинч-тотувлигига шукрона келтиради. Онаси Гавҳар опа Шарипова қизини қўллаб-қувватлаб, маслаҳатларини аямайди. Зеро, оиласи тинч кишигина бошқаларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклаша олади.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ, «Postda» мухбири.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ – МУҲИМ ВАЗИФА

**Инсоният тараққиётнинг янги-янги марраларини забт этмоқда. Шу билан бирга, башарият учун хавф солаётган хатарлар кўлами ҳам ошиб бораётир. Дунё миқёсида ҳалокатлар, табиий офатлар, террорчилик хуружлари, улардан келадиган иқтисодий зарар ва ачинарлиси, курбонлар сонининг ошиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳар қандай фавқулодда вазиятга тайёр бўлишни, жабрланганларга ёрдам бериш ва моддий бойликларни сақлаб қолиш имкониятини синовдан ўтказиб туришни талаб этади.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳарбий сафарбарлик бошқармасида фуқаро муҳофазаси бўлими ташкил этилган бўлиб, хизмат фаолиятини тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда ташкил этади.



Ички ишлар органлари фуқаро муҳофазаси бўлинмаларининг куч ва воситалари фуқаро муҳофазасига қай даражада тайёрлиги мунтазам равишда синовдан ўтказиб келинмоқда. Жумладан, ички ишлар органлари ходимларининг жанговар шайлигини ошириш мақсадида ўтган йил давомида аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликда 225 марта «Ёрдам» махсус режаси, юқумли ва ўткир юқумли касалликларнинг олдини олиш йўналишида 55 марта «Эльтор» махсус тактик ва қўмондонлик-штаб ўқув машғулоти ўтказилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва Навоий вилояти ички ишлар органларининг фавқулодда вазиятларда тайёргарлик ҳолати комплекс текшируви амалга оширилди.

Ички ишлар органлари шахсий таркибини аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш ҳамда оқилона ҳаракат қилишга назарий ва амалий тайёрлаш билан бирга, психологик тайёргарликнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, назарий билим қанчалик тўғри ва аниқ бўлмасин, амалий ҳаракатларсиз кўникмаларни шакллантириш мумкин эмас. Шу сабабли Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан, ички ишлар органлари раҳбар ва мутахассис ходимлари таркибининг 2019 йил давомида турли анжуман ҳамда машғулотларда малака оширишини таъминланди.

*Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ва Навоий вилояти ички ишлар органларининг фавқулодда вазиятларда тайёргарлик ҳолати комплекс текшируви амалга оширилди.*

Амалга оширилган кенг кўламдаги чора-тадбирлардан кўзланган мақсад мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш билан бирга, юз бериши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларда халқимизнинг талафот кўрмаслигини таъминлашдан иборатдир.

**Отабек ҲАМИДОВ, подполковник.**

Энг биринчи автомашина

**Илк транспорт тури – ёғочдан ишланган мотоцикл 1885 йилда германиялик Готлиб Даймлер томонидан ясалган бўлиб, двигатели бензин билан ҳаракатланган. Орадан бир йил ўтиб, Карл Бентс автомобиль деб ҳисоблаш мумкин бўлган уч ғилдиракли транспорт турини яратди. Бундан кўп ўтмай Даймлер ва Бентс томонидан тўрт ғилдиракли автомашина яратилиши тарих саҳифаларида муҳрланди.**

Энг биринчи автомашина

ТЎЙХАТ ЎРНИДА

# ДОВРУҒИ ДОСТОН ГЕНЕРАЛ

**Бу инсоннинг ибратли умр йўли ҳақида бутун бошли китоб ёзса арзийди. Балки, кимдир бундай савобли ишга аллақачон қўл ҳам ургандир. Афсуски, биз газетанинг имкониятидан келиб чиқиб, унинг хизмат фаолиятининг энг масъулиятли даврига бир қур назар ташлаш билан чекланамиз, холос.**



**АВВАЛО ТАРТИБ-ИНТИЗОМ**

Собиқ иттифоқнинг сўнгги йилларида кучайган жиноятчилик кейинроқ уюшган тус ола бошлади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, уюшган жиноий гуруҳларга қарши муросасиз кураш олиб борилди. Уларнинг аъзолари ҳам, етакчилари ҳам бирин-кетин қўлга олиниб, суд ҳукмига кўра, қилмишига яраша жазосини ола бошлади.

Ана шундай мураккаб бир даврда ИИВ жазони ижро этиш тизимига профессионал кадрлар жуда зарур эди. Йигирма йилдан ошиқ Россия ва Украинада ахлоқ тузатиш ишлари соҳасида хизмат қилиб, бой тажриба



тўплаган Ражаб Қодиров буни тушуниб, Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятининг таклифини бажонидил қабул қилди.

У 1991 йил октябрь ойида ИИВ Ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси тергов ҳибсхоналари ва турма бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Лавҳамиз қаҳрамонига бунгача Украина Республикаси ИИВ тизимида айнан шундай лавозимда хизмат қилиб, орттирган тажрибаси жуда қўл келди.

Ишни барча тергов ҳибсхоналарида маҳбуслар учун белгиланган тартиб таъминланишини қатъий назорат қилишдан бошлади. Бунга эришиш учун ходимларга ҳам талабни кучайтирди. Тезкор хизмат кўрсатиш ва тартиботни таъминлаш бўлимига бошчилик қилган йиллари эса очилмай қолган жиноятларни фош этиш йўналишидаги ишларни ҳам кучайтирди.

**ТЎРТ ОЁҚЛИ ОТ ҲАМ ҚОҚИЛАДИ**

Янги лавозимда моҳир ташкилотчилигини, ташаббускорлигини, раҳбарлик салоҳиятини намоён этган полковник Ражаб Қодиров 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари – Жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди. У дастлабки кунларданоқ муассасаларда тартиб-интизом ва қонунийликни таъминлаш талабини бўшаштирмаган ҳолда, тарбиявий ишларни тубдан яхшилаш чораларини кўрди.

– Тўрт оёқли от ҳам қоқилади. Фақат жазолаш билан жиноятчиликни камайтириб бўлмайди. Маҳкумлар орасида тушунтириш ишларини шундай ташкил қилинганларки, улар хатосини англаб етсин, қайта такрорламасин, – деб уқтирарди у муассаса раҳбарларига. Жазони ижро этиш тизимига Ражаб Қодиров раҳбарлик қилган йиллари муассасаларда кутубхоналар фонди бойитилиб, чинакам зиё масканига айланди. Турли маданий тадбирлар, айниқса «Истеъдод» кўрик-танловларининг таъсирчанлиги ошди. Жойларда кўзга кўринган маданият намояндалари, адиблар билан учрашувлар ташкил этилди. Муассасаларда маҳкумлар ва ходимлар билан ишлайдиган психологлар, руҳий енгилланиш хоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Сир эмаски, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимиздаги аксар жазони ижро этиш муассасаларида белгиланган лимитдан ортиқ маҳкум сақланарди. Бунга чек қўйиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, жиноий жазолар либераллаштирилди. Хусусан, биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш борасида Президент фармони қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда эса Ражаб Қодировнинг хизмати ниҳоятда катта эди.

Содда тил билан тушунтирадиган бўлсак, биринчи марта қамалганлар мазкур фармонга кўра, муқаддам судланганлардан алоҳида сақланадиган бўлди. Уларнинг мутлоқ кўпчилиги жазони манзил колонияларда ўтай бошлади. Бу эса биринчи марта қамалганларга жазони ўташ даврида оиласи билан яшаш имконини берди.



Энди манзил муассасалар сонини кўпайтириш талаб этиларди. Ана шу даврда қаҳрамонимизнинг ташкилотчилик, бунёдкорлик салоҳияти бор бўйи билан намоён бўлди. Нисбатан қисқа давр ичида ўндан зиёд манзил колонияси янгидан ташкил этилди.

**МАЪРИФАТНИ ҚУРОЛ ҚИЛИБ**

Машҳур файласуфлардан бири «Табиат бўшлиқдан қўрқади» деган эди. Бу гап табиатдан кўра кўпроқ жамиятга тааллуқли, назаримизда. Чунки жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ юзага келса, уни турли бузғунчи ғоялар эгаллашга ҳаракат қилади. Истиқлолнинг дастлабки йилларида шундай вазият юзага келган эди.

Террористик, экстремистик ғояларга муккасидан кетиб, ноқонуний қилмишлар содир этганлиги учун жазо муддатини ўтаётганларни фақат маърифат ёрдамида тўғри йўлга бошлаш мумкинлигини Ражаб Қодиров яхши биларди. Шунинг учун унинг ташаббуси билан Президент девони, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилиб, ушбу тоифадаги ҳар бир маҳкум билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

– 2003 йилда Тошкент Ислом университетини битириб, йўлланма билан ИИВ ЖИЭББга келганимда Ражаб Қодиров «Ҳар бир маҳкумнинг тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиш, қайғуриш керак. Чунки унинг тақдири ота-онасининг, бола-чақасининг тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди. Шуни унутма», деб тайинлаган эдилар, – дея хотирлайди истеъфодаги генерал-майор Ражаб Қодировнинг шогирдларидан бири ИИВ ЖИЭББ тарбиявий ва ижтимоий-психологик ишларни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Жамшид Султонов.

Хуллас, жаҳолатга қарши маърифатни қурол қилиб, ушбу йўналишда қизғин иш олиб борилди. Бу муҳим жараёнга жойлардаги кўзга кўринган илм-фан, маданият намояндалари, имом-хатиблар ҳам жалб қилинди. Аста-секин саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бера бошлади. Ўз хатосини англаб, қатъий тузалиш йўлига ўтган қанчалаб маҳкумлар давлатимиз раҳбарининг амнистия тўғрисидаги фармонларига кўра, муддатидан олдин жазодан озод этилиб, оиласи бағрига қайтди.

Ражаб Қодиров кабинетда ўтирволиб раҳбарлик қилишни ёқтирмасди. У тез-тез жазони ижро этиш колонияларини айланиб, уларнинг фаолиятини ўрганар, аниқлаган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берар, йўл-йўриқлар кўрсатарди. Қаерда ишлаб чиқариш, маданий-маърифий, тарбиявий ишлар ёки маҳкумлар учун шарт-шароитлар намунали тарзда ташкил этилган деб ҳисобласа, уларнинг тажрибасини ўрганиш ва кенг ёйиш учун бошқа колониялар раҳбарларини мазкур муассасада тўпларди.

**ХОРИЖ ТАЖРИБАСИГА КЕНГ ЙЎЛ**

Ражаб Қодиров раҳбарлик қилган йиллари бир пайтлар ёпиқ соҳа саналган ИИВ жазони ижро этиш тизими вазирликнинг энг шаффоф тузилмаларидан бирига айланди. 1999 йилдан бошлаб Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан яқин ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилди. Омбудсман ходимлари деярли барча муассасаларда бўлиб, бир неча бор маҳкумларнинг ҳуқуқлари таъминланишини мониторинг қилишди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Халқаро ҳамкорлик борасида ҳам мақтовга арзигулик ишлар амалга оширилди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти экспертлари кўплаб жазони ижро этиш муассасаларига ташриф буюрди. Ушбу ташкилотнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори кўмагида тизим ходимлари учун семинарлар ташкил этилди. Ушбу жараёнда ходимларга маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва уларга муомала қилишнинг халқаро меъёрларини ўргатиш учун тизим вакиллари орасидан тренерлар тайёрланди.

Жазони ижро этиш муассасаларига Халқаро Қизил хоч қўмитаси, Европа Иттифоқи делегациялари, турли мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари, бир қанча хорижий ахборот агентликларининг мухбирлари ташриф буюрди. «Марказий Осиё турмаларида соғлиқни сақлаш» лойиҳаси доирасида «Халқаро турма ислоҳоти» нодавлат ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилинди. Ушбу ташкилот Бош котиби, Буюк Британия парламентининг Лордлар палатаси аъзоси, баронесса Вивьен Стерн Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Бундан ташқари, тизим ходимлари Украина, Россия, Германия, Польша каби давлатларда бўлиб, хориж тажрибасини ўрганишди. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугунги кунда маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, улар билан муомала қилиш бўйича халқаро стандартлар ва илғор хориж тажрибаси жазони ижро этиш амалиётига кенг татбиқ қилинмоқда.

**ҲАМОН САФДА**

Ражаб Қодиров раҳбарлик фаолияти давомида қўл остидаги бирор ходимнинг ноҳақ бурни қонашига йўл қўймади. Аммо ўзи яхши ишлаганининг бошини силаб, масъулиятсизини, керак бўлганда, жазолади. Ҳозирда унинг ишини шогирдлари муваффақиятли давом эттиряпти. Улардан А. Расулов ва Ш. Усмонов ИИВ ЖИЭББ бошлиғи ўринбосари, Б. Шамсиев ва А. Мажидов жазони ижро этиш муассасаси раҳбари, Б.Мадиёров ИИВ ЖИЭББ Ташкилий бошқармаси бошлиғи. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Кўксини «Дўстлик» ордени безаб турган, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, донғи Россия, Украина каби давлатларга етган генералнинг ўзи ҳам ҳамон сафда. У ИИВ ЖИЭББ етакчи эксперти сифатида ёш ходимларга, керак бўлса, каттароқларига ҳам маслаҳатлар беряпти, йўл-йўриқ кўрсатяпти. Камига уларнинг ҳаққига дуо ҳам қилади.

Ражаб Қодировни байрамларда, таваллуд айёмларида россиялик, украиналик ҳамкасблари, шогирдлари табриклаб туришади. Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб довруғи достон генералимизни табаррук 75 ёшни қаршилаётгани билан қутлаб, яна узоқ йиллар шогирдлари даврасини тўлдириб, фарзандлари, набираларига бош бўлиб юришини тилаймиз.

**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

ЧЕЛОВЕК И ЕГО ДЕЛО

# ЧЕСТНО ВЫПОЛНЯЕТ ДОЛГ



Подполковник Шарофиддин Юсупов.

**В мире существует примерно сорок тысяч профессий, и все они важны для нас. В любой из них есть свои плюсы и минусы, трудности, с которыми нужно уметь справляться. Но есть одна профессия, которая с раннего детства привлекает мальчишек, – инспектор безопасности дорожного движения. Он обязан всегда быть начеку**



Абдухаким Юсупов.

Сегодня мы хотим рассказать об успешном организаторе и талантливом руководителе – заместителе начальника Управления безопасности дорожного движения УВД Самаркандской области подполковнике Шарофиддине Юсупове.

Шарофиддин Юсупов родился в Акдарьинском районе, он десятый ребенок в семье. Всего их – 9 сыновей и одна дочка.

– Когда я был мальчишкой, отец сажал меня на колени, как самого младшего сына, и рассказывал о тяжелых годах войны, своей службе и ранениях, – поделился воспоминаниями Шарофиддин Абдухакимович. – Каждый раз, слушая его рассказы, я переполнялся чувством гордости за мужество и отвагу бойцов, воевавших ради нас.

С особым трепетом хранит он армейскую книжку отца, Абдухакима Юсупова, которого в 19-летнем возрасте призвали в армию. Служба началась в 936-м полку 254-й стрелковой дивизии, автоматчиком. В 1944 году А. Юсупов, получив ранение в ногу, вернулся на родину.

– Осколок бомбы попал в ногу, отец стал инвалидом, – вспоминает Шарофиддин Абдухакимович. – Его подвиг остался в моей памяти навсегда. Еще мальчишкой решил, что обязательно пойду по его стопам и стану защищать Родину.

После окончания школы юношу призвали в армию. Затем была учеба в Ташкентском автомобильно-дорожном институте. С 1993 года он начал служить в органах внутренних дел. Большую часть трудовой деятельности посвятил УБДД.

– Работать в службе дорожной безопасности нелегко, – говорит Ш. Юсупов, – так как на плечах – большая ответственность за жизни других людей. Тот, кто стоит на страже безопасности граждан, должен быть выносливым и мужественным, поскольку от его четких и уверенных действий зависят порядок и безопасность. Сотрудники также оказывают экстренную медицинскую помощь, задерживают преступников, оказываются в роли спасателей во время непогоды.

– Своим достижениям я обязан наставнику – подполковнику в отставке Хамиду Саттарову, который, не жалея сил, передавал свой богатый опыт, – продолжает наш собеседник. – Мне кажется, мое счастье заключается в том, что я воспитал достойных детей. Один из сыновей пошел по моим стопам и сейчас служит в органах внутренних дел. Напоследок хочу пожелать, чтобы сотрудники службы безопасности дорожного движения были не случайными людьми, а теми, кто видит в этой работе призвание, хочет, чтобы во всем и везде царил порядок и было меньше опасности на дорогах. Профессия сотрудника службы дорожного движения – одна из самых важных, нужных и благородных!

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Самаркандская область.*

МОЛОДЫЕ И ПЕРСПЕКТИВНЫЕ

# Профессия по душе и большие планы на будущее

**Герою моего повествования – сотруднику 1-го отряда батальона строевого подразделения патрульно-постовой службы УППСиООП УВД Наманганской области рядовому Бахтиёру Мирзаеву всего двадцать шесть лет. Но за спиной молодого человека уже четыре года службы в органах внутренних дел. После окончания медицинского колледжа он понял, что профессия медика – не его призвание, детские мечты повели Бахтиёра по другому пути. Вернувшись из армии, он имел твердое решение, которое озвучил матери, Назире Камбаровой: «Буду сотрудником органов внутренних дел». Мама поддержала его, тем более что она сама многие годы работает медсестрой в поликлинике медицинского отдела УВД Наманганской области**

Служба в подразделении ППС имеет свою специфику. В ходе работы приходится сталкиваться с разного рода ситуациями, людьми. Чтобы не допустить ошибок, необходимо иметь профессиональные навыки, хорошую физическую подготовку, знать законы. Бахтиёр признался, что адаптация и наработка навыков давались нелегко: приходилось общаться с людьми, некоторых из которых трудно назвать адекватными. К примеру, гражданин, будучи пьяным, затевает скандал и драку в общественном месте. Как можно на него повлиять, призвать к порядку? Сколько ни обращайся с нравоучениями, в таком состоянии он вряд ли послушает сотрудника. В подобных случаях приходится действовать согласно предписанным правилам: доставить гражданина в отдел внутренних дел и передать в руки других служб, чтобы он не смог навредить мирным гражданам.

...Развод в 7.30, и стражи закона растворяются в гуще людей, выполняя свои служебные обязанности, связанные с охраной общественного порядка, предупреждением правонарушений и борьбой с преступностью. Во время развода сотрудники патрульно-постовой службы проходят проверку не только на наличие всех деталей экипировки – командиры распределяют участки и обязанности, дают конкретные указания по выполнению поставленных задач.




Бахтиёр Мирзаев – сотрудник автопатруля контролирует территорию, объезжая участок по несколько раз. В тот день, когда мы объезжали с ним вверенный участок, никаких происшествий не произошло. Рядовой Мирзаев рассказал нам о некоторых случаях, с которыми ему пришлось столкнуться в ходе несения службы. В органы внутренних дел с заявлением обратился житель города Намангана Б. Т. Он сообщил, что у него украли рулон трикотажной ткани общей стоимостью 500 тысяч сумов, который вместе с другими рулонами находился у входа в магазин. В ходе оперативно-розыскных мероприятий рядовой Б. Мирзаев вместе с сослуживцами задержали двух местных жителей совершивших кражу.

Еще одно преступление удалось раскрыть герою повествования. В Намангане, парке культуры и отдыха имени Бабура был задержан Х. А. Во время обыска, при понятых в правом кармане куртки был обнаружен целлофановый пакет с веществом коричневого цвета, имеющим острый запах. Изъятое вещество отправили в городское управление. Согласно заключению ЭКО, это был гашиш весом 87,32 грамма.

– Я люблю свою работу, – говорит Бахтиёр Мирзаев. – Хочу совершенствовать знания и навыки, чтобы в будущем выполнять еще более ответственные задачи, ведь не зря говорят, что плох тот солдат, который не мечтает стать генералом. Я намерен поступать в Академию МВД, в свободное время готовлюсь к специальному профессиональному отбору.

Пожелаем молодому и перспективному стражу правопорядка успехов в реализации его планов.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
***На снимке:*** *рядовой Бахтиёр Мирзаев (слева).*
*Наманганская область.*

СЛУЖБА КИНОЛОГИИ

# ЕСЛИ РЯДОМ НАДЕЖНЫЙ ПОМОЩНИК

**На вооружении органов внутренних дел стоит немало различных спецсредств. Но есть одно, которое постоянно готово к работе, поможет выполнить самую сложную задачу. Это – служебная собака**

– В нашем распоряжении около 50 четвероногих «служивых», – рассказывает начальник отдела координации деятельности кинологической службы УППСиООП УВД Сырдарьинской области капитан Илхомжон Расулов. – В основном это отлично зарекомендовавшие себя восточноевропейские, немецкие овчарки, лабрадоры. Они работают по разным направлениям: поиск наркотиков, взрывчатых веществ, следорозыск, антитеррор, охранная служба. Без привлечения специалистов-кинологов и их питомцев трудно представить обеспечение охраны общественного порядка и безопасности граждан в ходе подготовки и проведения любого значимого мероприятия, проводимого в области. Так, с участием наших верных помощников за истекший год были обследованы в общей сложности 752 объекта.



Ежедневно инспектора-кинологи в сопровождении служебных собак выезжают на места происшествий. И эффективность их работы высока. В течение минувшего года при их участии раскрыто 116 преступлений, в том числе 46 краж, 2 убийства, разбой, 5 преступлений других видов, 62 противоправных деяния, связанных с незаконным оборотом наркотиков.

– Наша служба уникальна тем, что случайные люди здесь не задерживаются. В подавляющем большинстве сотрудники-кинологи – это преданные службе люди, относящиеся к своему делу в буквальном смысле с душой, – продолжает капитан Илхомжон Расулов. – Среди профессионалов – инспектора-кинологи рядовые Элдор Ганиев, Хасан Холжигитов, инструктор-кинолог рядовой Санжар Уралов и другие. На них равняются молодые сотрудники, у них учатся методам дрессировки, тактике применения служебных собак.

Секретов в воспитании питомцев у сырдарьинских кинологов нет. Четвероногие помощники, начиная с шестимесячного возраста, проходят общий курс дрессировки. Затем, после строгого отбора, в ходе которого оцениваются реакция собаки на обстановку, ее характер, темперамент, она осваивает программу по тому или иному направлению будущей деятельности.

Большое внимание уделяется физическому развитию и здоровью «сыщиков». Для этого обеспечивается их сбалансированное питание. Фельдшер кинологической службы рядовой Илхом Мамадиев системно ведет ветеринарно-профилактическую работу, регулярно проводит осмотр собак, осуществляет необходимую вакцинацию. Ведь на место службы собаки должны выезжать в хорошей физической форме.



– Мой питомец – немецкая овчарка по кличке Барон. Он один из самых результативных по следорозыску. Свои способности Барон проявлял не раз. А в июне минувшего года служебный пес помог в раскрытии особо тяжкого преступления, совершенного в махалле Обод юрт города Гулистана. Собака взяла след и вывела сотрудников к каналу, где было обнаружено орудие преступления – нож, – рассказывает рядовой Хасан Холжигитов.

Престиж кинологической службы в органах внутренних дел неуклонно растет. Растут и требования, предъявляемые к сотрудникам и их питомцам. Недавно кинологи подразделения прошли аттестацию, в ходе которой оценивались уровень их знаний и навыков, готовность закрепленных за ними собак к несению службы. По результатам испытаний специалистам была присвоена соответствующая классность.

– При реализации задач, определенных в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию деятельности кинологических служб органов внутренних дел» от 9 сентября 2019 года, опираемся на кинологов, многие годы прослуживших в подразделении, а также на инициативных молодых специалистов, – резюмирует капитан Илхомжон Расулов. – На сегодняшний день в соответствии с данным постановлением созданы межрайонные кинологические группы, в течение 2020–2022 годов для них поэтапно будут возведены новые современные объекты в городе Янгиере, Акалтынском и Сырдарьинском районах. Так что опыт профессионалов – кадрового ядра кинологической службы области – и инициатива молодежи весьма востребованы.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Сырдарьинская область.*

КОРОТКОЙ СТРОКОЙ

## Вести из Наманганской области

### Не сумел усмирить гнев

В жизни бывают ситуации, когда мы не можем сдержать эмоции. Наше неадекватное поведение порой вредит не только нам, но и окружающим.

26 января этого года, в 23.00 житель Янгикурганского района Наманганской области Б. Г., 1990 года рождения, довольно грубо обошелся с жителем той же махалли С. А., 1991 года рождения. «Ты в последнее время загордился, за человека меня не считаешь», – высказал претензии недовольный Б. Г. Слово за слово, и в порыве гнева он ударил С. А. по голове деревянной палкой.

Пострадавший был госпитализирован с травмой головы. СО при Янгикурганском РОВД возбудило по данному факту уголовное дело согласно части 1 статьи 104 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

### Следствие установит истину

Что вы сделаете, если лишитесь в общественном месте большой суммы денег? Конечно же, обратитесь в органы внутренних дел. Вот и житель города Намангана З. Э., 1987 года рождения, обратился с заявлением в местное подразделение органов внутренних дел, когда, находясь на скотном рынке, расположенном на территории МСГ «Бунедкор» г. Намангана, обнаружил, что в сумке не оказалось более 10 миллионов сумов.

В результате оперативно-розыскных мероприятий, проведенных стражами правопорядка, обвинение в совершении кражи было предъявлено местному жителю Н. Р., 1964 года рождения.

По данному факту возбуждено уголовное дело согласно части 2 статьи 169 УК Республики Узбекистан.

### Остался верен присяге

27 января нынешнего года старший инспектор ДПС 3-й мобильной группы УБДД УВД Наманганской области обратился с рапортом на имя начальника областного управления внутренних дел. Он сообщил о том, что днем ранее с целью проверки им был остановлен автомобиль «Спарк», за рулем которого находился житель города Касансая В. М., 1992 года рождения. Выяснилось, что В. М. вел машину, не имея при себе каких-либо документов. Правонарушитель попросил не оформлять в отношении него протокол, за что предложил взятку в размере 600 тысяч сумов.

В тот же день на основании рапорта было проведено оперативное мероприятие, в ходе которого сотрудники ряда правоохранительных органов задержали злоумышленника в момент передачи стражу порядка 460 тысяч сумов.

### Кража раскрыта

17 января с заявлением в органы внутренних дел обратился житель Чустского района Р. О., 1978 года рождения, с просьбой принять законные меры по факту кражи. Как оказалось, неизвестный проник в дом в отсутствие хозяев и украл водяной насос стоимостью 200 тысяч сумов.

В ходе оперативно-розыскных мероприятий сотрудники РОВД задержали Л. К., 2001 года рождения, у которого обнаружили краденый насос. Возбуждено уголовное дело согласно части 2 статьи 169 УК Республики Узбекистан. Ведется следствие.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ




**Коррупция глобал ҳодиса бўлиб, унга қарши жаҳоннинг барча мамлакатлари курашмоқда. Бу иллатга қарши курашда фақат давлат ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кучи, саъй-ҳаракати билангина ютуққа эришиб бўлмайди. Бунда жамоатчилик иштироки ва назорати, ОАВ, телевидение, радио, интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш билан самарага эришиш мумкин. Бу борада жаҳон тажрибасига эътибор қаратсак, дунёда коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги илк қонунлардан бири Буюк Британияда 1889 йилда қабул қилинган бўлиб, иллатга қарши курашда ҳамиша жамоатчилик фикри ва унинг назоратига таяниб келинади.**

Анъанага мувофиқ, халқнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти, билим савияси жамият билан ҳамоҳанг юксалиб бориши, инсон ҳуқуқлари ҳимояси таъминланиши, лоқайдлик, бефарқлик касалликларидан холи эканлиги, қонун олдида жамият аъзоларининг тенглиги, ҳуқуқ-тарғибот органларида юксак профессионализм кўникмаларига эга бўлиш одатий ҳол ҳисобланади. Масалан, жамиятда салбий иллатлар, жиноятчилик ҳақидаги хабар дарҳол ОАВ орқали аҳолига етказилади, жойларда мавзу муҳокамасига оид дебатлар бошлаб юборилади ва бу иллатга ҳуқуқий баҳо берилгунга қадар жамоатчилик назоратида бўлади. Кўриниб турибдики, очиқлик ва шаффофлик таъминланишида аҳоли ҳамда давлат органлари биргаликда ҳаракат қилади.

Мамлакатимизда кейинги уч йил мобайнида ушбу соҳада ҳам катта ислоҳотлар давом этмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» фармони ижросини таъминлашда тизимли ишлар амалга ошириляпти.

2019—2020 йилларда коррупцияга қарши кураш давлат Дастури ижроси бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, унга биноан:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш каби муҳим вазифалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усулларини жорий этиш вазифалари амалга оширилмоқда. Ушбу фармонга биноан, масъул давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда ОАВ ва интернет ресурсларида, шу жумладан, чет эл ОАВда кенг кўламдаги ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш, уларда таниқли олимлар, давлат органлари вакиллари ҳамда жамоатчилик вакилларининг чиқишларини назарда тутиб, коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича брифинглар, интернет-конференциялар, телевизион кўрсатувлар, радиоэшиттиришларда иштироки таъминланмоқда.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашда изчиллик билан амалга оширилаётган дастурий тадбирлар жамиятимизни ушбу иллатдан соқит қилишга қатъий киришилганлигининг тасдиғидир.

**Буюк Британияда** икки давлат қўмитаси — коррупцияга қарши ва оммавий соҳа стандартлари қўмиталари профилактика чоралари — таниқли шахслар иштирокида тузилган шартномалар ва уларни молиялаштириш масалалари билан шуғулланади. Мамлакатнинг коррупцияга қарши стратегияси мавжуд бўлиб, ҳалолликка, тўғрилик принципларини жамиятнинг ҳамма соҳаларига сингдиришга эришган. Ана шу принциплар асосида давлат хизматчиларининг Ахлоқ кодекси ҳам тузилган. Таъкидлаш жоизки, рейтинги юқори бўлган деярли барча мамлакатларда давлат хизматлари ходимларининг Ахлоқ кодекси мавжуд.

**Канада** ҳам халқаро рейтингда бу жиҳатдан юқори ўринлардан бирини эгаллаб келади. Мамлакатда давлат хизмати коррупция ҳолатларидан холидир. Порахўрлик — давлат хоинлигига тенглаштирилган бўлиб, икки тарафга, берувчига ва олувчига бир хил жазо белгиланиб, барча имтиёзлар бекор қилинади ҳамда 14 йил озодликдан маҳрум этилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилади. ОАВ, жамоатчилик тергов жараёнларида фаол иштирок этиб, унинг натижаларини эълон қилиб боради.

**Норвегия** — иқтисоди ривожланган, барқарор мамлакат бўлиб, давлатда коррупцияга қарши самарали тизим шакллантирилган. Амалдаги коррупцияга қарши кураш қонунчилиги давлат секторида юқори стандартларни таъминлаб келади: бюджет соҳасига тааллуқли барча давлат харидлари ва бюджет маблағларининг сарфланиши очиқлик ҳамда шаффофликда амалга оширилишининг механизми яратилган. Аҳолининг барча даромадлари ҳақидаги маълумотлар, банк рақамларига эркин кириш, қонунга итоат этмаслик, ноқонуний яширин хатти-ҳаракатларга нисбатан кескин чора кўрилади. Коррупциянинг оғир ҳолатларида 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилади.

**Швеция** халқаро рейтингда коррупция даражаси паст бўлган барқарор мамлакатдир. Коррупция иллатига қарши курашда, айниқса, фуқароларнинг даромадлари ва харажатлари ҳақидаги очиқ маълумотлар мунтазам берилиши муҳим аҳамиятга эга.

1923 йилда ташкил этилган «Порага қарши институт» соҳада маърифий-тушунтириш ишларини олиб боради. Швеция прокуратурасида бор-йўғи 7 нафар махсус прокурорлар, шунингдек 25 нафар махсус полициячилар коррупцияга қарши шуғулланади. Улар юксак профессионал ва ахлоқий хислатларга эга ходимлар бўлиб, бутун мамлакат бўйича етарли ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатда фуқароларнинг ҳуқуқ органлари ҳамда ОАВга ишончи катта.

**Финляндия** ҳам жаҳондаги энг барқарор мамлакатлардан бўлиб, айниқса, матбуот эркинлиги рейтингида етакчилик қилиб келмоқда. Жумладан, коррупцияга қарши курашда очиқлик принципи амал қиладиган, жамоатчилик билан фаол ҳамкорликда давлат органлари хизматчилари ва ходимлардан, депутатлардан, Президент ҳамда судьялардан дахлсизлик мақоми олиб ташланишга эришилган қонун олдида ҳамма баробар бўлган мамлакат. Бу ерда ишлар шу даражада мукаммал ташкил этилганки, коррупцияга қарши кураш олиб борадиган махсус орган ҳам йўқ, коррупциянинг ўзи ҳам йўқ.




**Сингапурда** эса коррупцияга қарши курашнинг ўзига хос усуллари мавжуд. Коррупция ҳолатларини суриштирувчи махсус бюро сиёсий ва функционал мустақилликка эга бўлиб, давлат ҳамда хусусий секторларда коррупция ҳолатлари, давлат хизматлари ходимларининг мансабни суиистеъмол қилиш ҳоллари бўйича чора кўриш учун тегишли органларга зудлик билан хабар беради. Жамоатчилик назорати натижасида аниқланган ҳолатлар бўйича очиқлик ва шаффофлик тамойилларига таянган ҳолда фаолият олиб боради. Ушбу иллатнинг келиб чиқиш шарт-шароитларини минималлаштириш ёки бутунлай бартараф этиш чораларини кўради.

**Японияда** ҳам қонун чиқарувчи орган сайлов компанияларини, номзодларни молиялаштиришга қаттиқ чекловлар қўяди. Зарур ҳолларда санкциялар қўллайди, кўплаб мамлакатларда бўлгани сингари, Японияда ҳам кадрлар сиёсати коррупцияга қарши курашнинг бош йўналишларидан ҳисобланади. Давлат хизматчилари кафолатланган иш ҳақи билан таъминлаб қўйилган. Шу боис, сиёсатчи ва хизматчиларнинг ахлоқий қиёфаларига жиддий эътибор берилади. Жамоатчилик назорати вакиллари ОАВ билан яқиндан ҳамкорлик қилади, салбий ҳолатларни зудликда жамоатчилик муҳокамасига қўяди.

Фикримизча, ушбу иллатга қарши курашда жамоатчилик назоратининг хорижий тажрибаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, авваламбор, бу иллатга қарши курашда фақат давлат органларининг саъй-ҳаракатлари етарлича эмаслиги;

давлат ва жамият жамоатчилик назорати вакиллари фаоллигини кучайтиришдан манфаатдорлиги;

фуқаролар, ёшлар онгида коррупция иллатига қарши муносабатни шакллантириш;

давлат ва ҳокимият органлари фаолиятида очиқлик ҳамда шаффофлик тамойиллари устуворлигига эришиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш;

ҳуқуқий нигилизмни бартараф этишда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органлари ходимлари ва хизматчилари, шунингдек, ОАВ вакилларининг Ахлоқ кодексини жорий этиш вақти келганини даврнинг ўзи кўрсатмоқда.

**Шуҳрат ҒОЙИБНАЗАРОВ,**
**сиёсий фанлар доктори,**
**профессор,**
**истеъфодаги полковник.**

**ҲУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ – ижтимоий онгнинг элементи бўлиб, эътиборсизлик ва ҳуқуқ субъект(лар)ининг амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсимаслиги, уларга нисбатан ҳурматсизлик муносабатида бўлиши ёки инкор қилиши.**

Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Тошкент. «Адолат» нашриёти, 2010 йил.

МУЛОҲАЗА

# МАЪНАВИЯТ ЗАМОН ТАНЛАМАЙДИ

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлисида сўзга чиққан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига оид бир қатор муҳим масалаларга батафсил тўхталаркан, Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтказилган сайловларда фаол иштирок этган маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг ходимларига ўз миннатдорлигини билдирди. Юртбошимиз бугунги кун журналисти ҳар томонлама тубдан ўзгаргани, ўз устида мукаммал ишлаб, замон билан ҳамнафас яшаётганлигини мамнуният ила таъкидлади. Айниқса, «кўп одамларга журналистлар ёқмайди, лекин улар менга ёқади» деган сўзлари барча ижодкорларни тўлқинлантириб юборди.

Шунингдек, Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли даражада ошганини алоҳида эътироф этиб, ўтган 3 йил мобайнида Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилганлигини таъкидлади. Шу билан бирга, бундан кейин ҳам «тўртинчи ҳокимият» вакилларининг эркин ва холис фаолият юритишлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларни халқимиз ва халқаро ҳамжамият учун очиқ-ойдин ёритишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришини билдирди.

Юртбошимиз ўз сўзида давом этаркан, **«жойлардаги муаммо ва камчиликларни рўй-рост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамиша ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман»** дея юртимиздаги жамики қалам аҳлини беҳад қувонтирди.




Бироқ «тўртинчи ҳокимият» вакилларининг машаққатли меҳнати барча ҳамюртларимиз томонидан етарлича қадрланяптими? Аксарият фуқароларимиз ҳаётнинг мазмуни фақат пул топишдан иборат деган нотўғри тушунчанинг асири бўлиб қолмаяптимикан? Нафсиламрини айтганда, кўпроқ пул топиш учун ҳам киши чуқур билимли, юксак маънавиятли бўлиши керак-ку... Зеро, инсоният тараққиётининг барча босқичларида ҳам биринчи галда халқнинг маънавий салоҳиятини кўтариш муҳим аҳамият касб этган. Боиси, ҳар томонлама етук шахслargina ўз юртининг равнақи учун муносиб хизмат қилган.

Шундай экан, нега бугунги кунга келиб билим манбаларига бўлган қизиқиш кескин даражада пасайиб кетди? Тўғри, ҳозирги пайтда интернет тармоғи кучайиб, ундаги турли-туман ижтимоий сайтлар орқали дунёда юз бераётган барча янгиликларни билиб олиш мумкин. Лекин уларнинг ҳаммасини ҳам ишончли деб бўлмайди. Хабарларнинг айримлари эса тасдиқланмаган, фақат миш-мишлардан иборатдир.

Чуқур мушоҳадага чорлайдиган, ҳаёт ҳақида ўйлантирадиган материаллар билан эса газета ва журналлар орқали танишасиз. Оилангизга ҳам маънавий озуқа, эзгу ғоялар айнан ана шу воситалар орқали кириб боради. Ваҳоланки, болаларга мўлжаллаб чоп этилаётган «Ғунча», «Гулхан», «Тонг юлдузи» ва шунга ўхшаш бошқа нашрларни деярли кўпчилик оилаларда учратиш қийин? Ахир, буюк келажагимизнинг эгалари бўлмиш ёш авлоднинг дунёқарашини кенгайтириш айнан шу манбалар ёрдамида амалга оширилади-ку... Шунинг учун ҳам фарзандларингизнинг яхши кунларида уларга моддий қимматликлардан кўра, маънавий эҳтиёжини қондирувчи совғалар ҳадя этганингиз минг чандон яхшироқдир.

Шу ўринда муштарийлар орасида бугунги кунда учраётган яна бир муаммога тўхталиб ўтишни лозим деб топдик. Нашрларимизни ўқувчилар қўлига сифатли ва мазмунли тарзда етказиб бериш учун бутун жамоа билан тинимсиз меҳнат қиляпмиз. Аммо машаққатлар эвазига чоп этилган газета ва журналларимиз осойишталигимиз посбонлари қўлига етиб борганидан сўнг, улар бунинг қадрига етишяптими...? Баъзи ходимлар томонидан нашрларимизга қилинаётган ҳурматсизликни кўриб, очиғи, жуда ранжидик... Уларнинг баъзилари газетани қўлига олар экан, биринчи навбатда, «Тайинлов борми?» дея шоша-пиша варақлашади. Агар унинг излаган нарсаси бўлмаса, яна бир-иккита саҳифанинг расмларига кўз югуртиради-да, шу билан бир четга суриб қўяди. Эҳтимол, бу сингари ноҳуш ҳолатларга кўз юмиш мумкиндир. Бироқ айрим ҳамкасбларимизнинг газета ва журналларимиздан дастурхон ўрнида фойдаланаётганини қандай изоҳлаш мумкин...? Баъзи ходимларнинг эса нашрларимизни дераза токчалари ёки жавонларга тўшаб, уларнинг устига турли хил нарсаларни қўйиб ташлаганлигини кўриб таажжубга тушасан, киши... Ахир, ушбу нашрларда мақоласи ёки сурати чиқаётган ходимлар ҳам сизнинг сафдошларингиз, қолаверса, ҳамкасбларингиз-ку... Уларга бўлган ҳурматингизни ана шу тарзда намоён этмоқчимисиз...? Хулоса эса, ўзингиздан...

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ТЎЙЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

# ЯХШИ НИЯТ – ЯРИМ ДАВЛАТ, АММО...

Инсон ҳаётга келибдики, орзу-ҳавас ва ўз мақсади сари интилиб яшайди. Орзуга айб йўқ. Кимдир меҳнати орқали нимагадир эришса, бошқаси қанчалик интилиб ҳаракат қилмасин, ишлари негадир юришавермайди. Беш бармоқ баробар бўлмагани сингари, бу ҳам ҳаёт ҳақиқати.

Бироқ мақсадига эришиб, уйлар қураётган, тўйлар қилаётган айрим кимсаларнинг хатти-ҳаракатини кўриб, бу уй эмас, бу тўй эмас, балки ўзини кўз-кўз қилиш, манмансирашдан бошқа нарса эмас, деган фикр хаёлдан ўтади.

Гарчанд анча вақт аввал шундай ҳолатнинг оқибати тўғрисида қисқагина ёзилган бўлса-да, яна бир бор тўхталишга тўғри келди: ўшанда Шаҳрисабз туманилик танишлардан бири набиралик бўлгани учун беш кунлик чақалоқ шарафига тўй қилиб, элга ош берди. Наҳорги ошга эркаклар келиб-кетишгандан сўнг аёллар учун дастурхон ёзилди. Қисқаси, эртадан кечгача келди-кетдининг кети узилмагани боис ёш келин ҳам меҳмонлар хизматида бўлиб, бешикда ётган чақалоғига қаролмайди.

Гўдак ётган хонада эса хотин-халажларнинг суҳбати авжига чиқиб, чақалоқнинг чинқираб йиғлаганига ҳеч ким аҳамият бермаганди. Шу куни кечки пайт тўй бўлган хонадон олдида «Тез ёрдам» машинаси келиб тўхтади. Буни кўрганлар ҳайрон эди. Эртаси куни эрталаб шу ҳовлидан дод-фарёдни эшитганлар «нима ган экан», дея кеча тўй бўлган хонадонга келишди. Маълум бўлишича, куни билан қаровсиз қолган чақалоқ вафот этган экан.

Энг ачинарлиси кейин бошланди: хонадон эгалари бу фожиада келинчакни айблаб, уни уйдан ҳайдаб юборишди ва охир-оқибат ёш оила ажрашиб кетди...

Узундан узоқ бу мисолни бежиз келтирмадик. Агар жиддий эътибор қаратсак, республикамизда тўйи ийлларда бундай ҳолатлар кам бўлган дейсизми? Ана шунинг учун ҳам бу масала давлат аҳамияти даражасига кўтарилди.

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш бўйича кенг жамоатчилик фикри ҳамда таклифларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг 2019 йил 14 сентябрдаги қўшма қарори шу йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кирди.

Айтиш жоизки, нуфузли ташкилотларнинг бундай тўхтамга келишида, энг аввало, сизу бизнинг манфаатларимиз кўзланган. Лекин ҳанузгача унга амал қилишни ўз бурчим, дейиш ўрнига, мудроқликдан кўз очолмаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас.



Куни кеча пойтахтимизнинг Сергели туманидаги «Дўстлик» маҳалласида бўлиб ўтган бир никоҳ тўйини мисол тариқасида келтирмоқчимиз.

Ярим тун. Кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг ҳаммаси ширин уйқуда. Тўсатдан гумбурлаган «салют»ларнинг овозидан бошқаларни билмадиг-у, аммо хонадонимиздагилар, нима гап, дея чўчиб уйғонишди. Буниси ҳолва экан. Бироз ўтиб баланд овозда, деярли ҳеч ким тушунмайдиган мусиқа ва куёвжўраларнинг қийқиригидан кўпларнинг асаби таранглашгани рост. Энди бир ўйлаб кўрайлик, ҳукумат даражасидаги қарорда нима дейилган-у, биз нима қиляпмиз. Ярим тунда фуқароларнинг тинчини бузган бундай тўйни тўй, дейиш мумкинми?

Шу ўринда мана бу жиҳатга ҳам бироз тўхталсак. Куёв ва келин никоҳдан ўтаётганда ҳар икки томондан қатнашаётган гувоҳларга ҳеч эътибор берганмисиз? Уларнинг аксарияти ҳали турмуш қурмаган, оила, никоҳ нима эканини мукаммал билмаган ёшлардан иборат бўлмоқда. Гувоҳликка ўтувчининг ҳам зиммасига катта масъулият юкланади. Буни айрим ота-оналар ё билмайди, ёки иши тезроқ битишини ўйлашади. Гувоҳ дегани турмуш қурган бўлсагина никоҳдан ўтувчиларга маслаҳат беради, гувоҳликнинг масъулиятини ҳис этади. Хўш, бу масалани жиддий ўйлаб кўришнинг вақти келмадими? Бунга фарзанд уйлантираётган ота-оналар нима дейишар экан?

Низомга кўра, оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солишда ижтимоий адолат ва қонунийлик, миллий урф-одат ҳамда қадриятларга содиқлик, жамоатчилик фикрини инобатга олиш тамойилларига риоя этилади, дейилган.

Яқинда ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган видеолавҳада элимиз ардоғидаги санъаткорлардан бири набиралик бўлгани тўғрисида лавҳа жойланибди. Унда ҳаёт неъматини энди татий бошлаган, аммо ҳали она кўкрагидан бўлак ҳеч нарсани ҳис қилолмайдиган чақалоққа тўй бериб, келини ва хотинига автомашина совға қилибди.

Санъаткорнинг ўз жигаргўшаларига қилган бундай саховати ва ниятига ҳеч қандай эътироз билдирмоқчи эмасмиз. Бироқ шундай бир фикр ҳам йўқ эмас: аввало, бу низомда таъкидланганидек, миллий урф-одатлар ва қадриятларга, жамоатчилик фикрига тўғри келармикан? Қолаверса, ниятни янада холис қилиб, чақалоқ учун энг ноёб, катта бўлиб ўқиса, юртни, дунёни чуқур англатадиган бир жавон китоб олиб қўйилса яхши бўлмасмиди! Санъаткорнинг бу ишини эл-юртга ўзини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас, дейиш мумкин.

Барчамиз яхши биламиз, қадимдан то ҳозиргача бир анъана сақланиб келади. Яъни, чақалоқ кирган хонадонда чилла сақланади. У ётган уйга бегоналар кирмайди. Икки дунё оралиғида туриб, тўққиз ой қорнида боласини кўтарган оналаримиз у туғилгач, табиий шароитга кўникма ҳосил қилиш учун шундай йўл тутишган ва бу усул ҳар жиҳатдан ўзини оқлаб келмоқда.

Нима бўлганда ҳам, низомда белгилаб қўйилгани каби ҳар қандай оилавий тадбирларни ихчам, кўпчиликка маъқул келадиган даражада тартибли қилиб, элдан чиқмаган ҳолда ўтказсак, энг аввало, ўзимиз ва оиламиздагиларнинг иқтисоди учун яхшидир. Ўзимизга, ўз оиламизга раво кўрилган ҳар қандай нарса бошқаларга ҳам маъқул келиши турган гап.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ОБЩЕСТВЕННЫЙ КОНТРОЛЬ – ЭФФЕКТИВНОЕ СРЕДСТВО ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ

**Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев на торжественном собрании, посвященном 27-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан, в качестве одного из приоритетных направлений определил основные задачи по обеспечению верховенства закона и усилению общественного контроля**



Эффективное строительство демократического государства, формирование гражданского общества и углубление экономических реформ невозможно без повышения политической активности населения и роли института общественного контроля.

В нашей стране за последние несколько лет в этом направлении проведен ряд широкомасштабных работ. Принято более ста нормативно-правовых актов, касающихся повышения социальной активности институтов гражданского общества и регулирования их участия в осуществлении общественного контроля за деятельностью государственных органов. В их числе – Закон «Об общественном контроле». Общественный контроль осуществляется через обращения и запросы в госорганы, участие в открытых коллегиальных заседаниях, общественные обсуждение и слушание, мониторинг, экспертизу и заслушивание информации должностных лиц госорганов.

Сегодня представители общественности применяют различные современные формы общественного контроля, такие как интернет-обсуждения, блогинг, петиции. Правоохранительные органы информируют граждан о фактах правонарушения, транслируются телепрограммы, брифинги и ток-шоу, в которых государственные служащие публично отвечают на вопросы граждан.

Контроль народом над деятельностью должностных лиц и органов государственной власти является важным фактором борьбы с должностной вседозволенностью и коррупцией. Представители гражданского общества также принимают участие в мониторинге и оценке имплементации антикоррупционной Госпрограммы.

Узбекистан осуществил ряд ключевых реформ в сфере антикоррупционной политики. Принят Закон «О противодействии коррупции», который определил правовые основы деятельности в этой сфере и механизмы реализации антикоррупционных мер.

Законом определены три основных направления антикоррупционной деятельности государства – меры по: повышению правовой культуры и правосознания в области противодействия коррупции; предупреждению коррупции; выявлению и пресечению коррупционных правонарушений.

Следует подчеркнуть, что в Указе Президента страны «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия коррупции» в Республике Узбекистан пунктом 4 закреплено обеспечение подлинной свободы деятельности институтов гражданского общества, средств массовой информации и их привлечение к участию в подготовке, проведении и мониторинге исполнения антикоррупционных мер.

Наблюдается тенденция снижения должностных, в том числе коррупционных преступлений.

В Индексе восприятия коррупции организации Transparency International Узбекистан улучшал свои показатели каждый год, начиная с 2015-го, и в 2018 году занял 158-е место из 180, набрав 23 балла. Для более детального понимания тенденции стоит обратить внимание на таблицу, подготовленную Transparency International в 2018 г., которая обобщает статистически важные изменения за 6 лет (с 2012 по 2018 гг.). В этот список вошли 30 стран, демонстрирующих как значительные позитивные (16 стран), так и значительные негативные изменения (14 стран). Узбекистан находится в числе 16 стран, которые показали долгосрочную позитивную тенденцию.

В 2019 году структурными и территориальными подразделениями Министерства внутренних дел был проведен ряд мероприятий по противодействию коррупции: выявлено 875 коррупционных преступлений, 113 из которых связаны с взяточничеством, 66 – вымогательством, 367 – мошенничеством, 120 – незаконным оборотом валютных ценностей, 209 – другими видами.

В нашей стране проделана огромная работа в области повышения уровня информированности населения, проведены профилактические мероприятия, принят ряд важнейших законов, созданы действенные механизмы реализации антикоррупционной политики. Результатом является рост информированности общества в антикоррупционной сфере. Наряду с этим растет уровень требований и ожиданий от государства со стороны общества.

Показатели Узбекистана в международных рейтингах постепенно улучшаются, тем не менее, механизмы общественного контроля нуждаются в усовершенствовании.

**Аюбхон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**старший инспектор Организационного департамента МВД Республики Узбекистан, лейтенант.**

## *ОРИГИНАЛЬНЫЕ МЕТОДЫ БОРЬБЫ СО ВЗЯТОЧНИЧЕСТВОМ*

### Нулевая купюра

В Индии общественной организацией по борьбе с коррупцией «Пятая колонна» в 2010 году была выпущена купюра, которой предлагается рассчитываться с вымогателями.




Выглядит эта банкнота так же, как обычная, но вместо надписи «подделка денег преследуется законом» имеется предупреждение – «взяточничество преследуется законом». Купюра имеет номинал ноль рупий. Общество с энтузиазмом восприняло эту идею, и тираж банкнот разошелся очень быстро. Продажные чиновники вспомнили о тюремных сроках и плохой карме.

### «Антикоррупционное» тайцзи

Госслужащие в Китае посещают специальные курсы, на которых их учат, как бороться с соблазном брать взятки. Они медитируют, укрепляют силу духа и занимаются специальными силовыми упражнениями. С семьями чиновников также проводится профилактическая работа.



Так, для госслужащих, их супругов и детей устраиваются экскурсии в тюрьму, где отбывают наказание осужденные за взятки.

### Нетипичный маршрут

С недавних пор в одном из крупнейших городов Мексики – Монтеррее, действует новый экскурсионный маршрут – Corruptour (коррупционный тур). Голубой автобус, разрисованный портретами местных политиков, крыс и свиней в костюмах с сумками денег, провозит пассажиров по наиболее коррумпированным уголкам города, где больше всего разворовываются средства налогоплательщиков. А для контраста в маршрут автобуса включены бедные кварталы, где люди едва сводят концы с концами. Проезд в автобусе бесплатный, тур длится около часа. Такая экскурсия призывает местных жителей задуматься над тем, кого избирают в органы власти, и объединиться в борьбе с коррупцией.














К 75-ЛЕТИЮ ПОБЕДЫ

# ПАМЯТЬ – ИСТОЧНИК ЛЮБВИ К РОДИНЕ

**9 мая мир будет праздновать 75-летие Победы во Второй мировой войне. Узбекистанцы с глубоким уважением и почтением вспоминают тех, кто воевал за нашу свободу и мирное небо над головой**

С каждым годом редеют ряды участников и свидетелей тех страшных событий. Молодежь должна знать и помнить об их подвиге и передавать эту память последующим поколениям. Наша цель – рассказать о простых солдатах, их мужестве и любви к Родине.

Один из участников Второй мировой войны – Саидахмад Исаев. В 1942 году уроженца кишлака Дардак Кургантепинского района призвали в армию. После демобилизации, в 1946 году, он некоторое время работал учителем. Затем бывшего фронтовика отправили на учебу в военную академию, после окончания которой С. Исаев продолжил службу в органах внутренних дел Андижанской области. Саидахмад ака долгое время был оперативным сотрудником уголовного розыска, заместителем начальника следственного отдела УВД. На заслуженный отдых вышел в 1970 году в звании подполковника.

Ветерана войны и органов внутренних дел пригласили преподавать историю в Андижанском государственном университете. Он долгое время проработал в вузе, был преподавателем, проректором по воспитательной работе. По инициативе С. Исаева в университете был открыт юридический факультет. Затем Саидахмад ака возглавил областное общество «Знание».

Вместе с супругой, Саодатхон, они вырастили и воспитали четверых детей. Старший сын, Рустамжон, кандидат физико-математических наук, дочь Нодирахон работает заведующей детским садом, еще одна дочь, Назира, – кандидат технических наук, преподает в одном из университетов Великобритании, а младшая, Муборак, – преподаватель Андижанского государственного университета.

В 1997 году после тяжелой болезни ушла из жизни верный друг и любимая жена Саодатхон.



С. Исаеву исполнилось 96 лет. Несмотря на солидный возраст, он полон сил и энергии. Ветеран занимается изучением истории Узбекистана, пишет научные труды. Его часто приглашают в высшие образовательные учреждения города Андижана, где он читает лекции на тему: «Государственная политика Республики Узбекистан по воспитанию молодого поколения».

– С обретением независимости у народа нашей страны появилась свобода, – говорит Саидахмад ака Исаев. – Молодежь получила возможность учиться, работать, развивать свои таланты, заниматься спортом. Бывая в подразделениях органов внутренних дел, я замечаю, с какой гордостью носят форму молодые сотрудники, на плечах которых лежит ответственность за мир и покой в родном краю. Хочу пожелать им успехов в нелегкой службе, быть верными служебному долгу, горячо любить Родину – независимый Узбекистан.

…Нам трудно представить те чувства, которые испытали ветераны. Мы не смотрели смерти в глаза, не чувствовали страх за жизнь родных и близких. Но мы не имеем права забывать о тех, кому обязаны жизнью. Мы должны сохранить мир на планете, родную страну, за которую они сражались.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Андижанская область.*

ВНИМАНИЕ: ПЕШЕХОД!

# ЕСТЬ ЛИ РЕЗУЛЬТАТЫ?



**В Ферганской области в течение десяти дней проходило широкомасштабное профилактическое мероприятие «Внимание: пешеход!». Как оно было организовано? Какая проводилась разъяснительная работа? Какие она дала результаты?**

Об этом нам рассказал заместитель начальника УБДД УВД Ферганской области подполковник Кобилжон Ристаев:

– Мероприятие проводилось в рамках исполнения постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы обеспечения дорожной безопасности в Республике Узбекистан» от 19 мая 2018 года. Цель – предупреждение дорожно-транспортных происшествий с участием пешеходов, контроль над их передвижением на перекрестках и оживленных трассах, усиление профилактической работы.

На оживленных трассах, пешеходных переходах, расположенных вблизи рынков, организаций и предприятий, несли службу инспектора дорожно-патрульной службы. Наряду с обеспечением безопасности дорожного движения они вели разъяснительную работу, направленную на воспитание среди пешеходов и водителей культуры безопасности дорожного движения.



Совместно с представителями отделов народного образования и активистами Союза молодежи на местах было организовано 242 встречи и беседы, проведен осмотр 84 пешеходных переходов. Обнаруженные недостатки полностью устранены: на 32 пешеходных переходах установлены дорожные знаки, на 84 размечены «зебры».

У входа в общеобразовательные школы области, расположенные рядом с трассами, установили баннеры, напоминающие об основных правилах дорожного движения, учащимся регулярно разъяснялись их суть и значение.

Управление безопасности дорожного движения выделило отдельный автобус, благодаря которому среди населения шла активная агитационная работа, направленная на выполнение требований ПДД. В местах скопления людей и на оживленных улицах были организованы показательные мероприятия.

**Несмотря на это, в дни проведения мероприятия 1 027 пешеходов нарушили правила дорожного движения, в отношении них оформлены протоколы в соответствии с требованиями Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности.**

**Благодаря проведению данного мероприятия в области значительно сократилось число дорожно-транспортных происшествий, уменьшилось количество нарушений правил с участием пешеходов. Можно сказать, что акция послужила дальнейшему повышению уровня правовых знаний и усилению ответственности граждан в вопросах безопасности дорожного движения.**

**Абдувосит СИДИКОВ,**
**корреспондент «Postda».**
***На снимках:*** *моменты мероприятия.*
*Ферганская область.*

«Если не бегаешь, пока здоров, придется побегать, когда заболеешь». *Гораций.*

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# ГУЛМИТДИН ОТА ҲАМОН ЁШЛАР БИЛАН БИРГА

**Фарғона шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги сержант Гулмитдин Ҳусаинов истиқомат қилади. Отахон бу йил 96 ёшни қаршиламоқда.**



Гулмитдин Хусаинов айни кучга тўлган, навқирон йигитлик пайтида Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, суронли жанглардан омон қайтгач, ички ишлар органлари сафига ишга кирган. Унинг фаолияти асосан Фарғона шаҳридаги 10-тергов ҳибсхонаси билан чамбарчас боғлиқ. Ана шу даргоҳда турли вазифаларда меҳнат қилиб, шогирдлар эҳтиромида пенсияга чиққан.

Айни кунларда юз билан юзлашаётган отахон тетик ва бардам. Фахрийнинг хонадони маҳалла ёшлари ва шогирдлари билан доим гавжум. Вилоят ИИБ раҳбарияти, фахрийлар кенгаши ҳам фахрийга мунтазам меҳр ва эътибор кўрсатиб келади.

Қувонарлиси шундаки, Гулмитдин ота ёшлар даврасида бўлишни, уларга ҳаёт сабоқларидан гапириб беришни жуда яхши кўради. Шу сабабли улар билан бўладиган учрашувларга, албатта, боришга ҳаракат қилади. Масалан, отахонинг ўзи ишлаган 10-тергов ҳибсхонасида ҳам фахрий билан тез-тез учрашувлар ташкил этилади. Истеъфодаги сержант Гулмитдин Ҳусаинов ўзи ишлаган масканга бориб, ҳар сафар тадбирларда иштирок этади.

Таҳликали уруш бўҳронларидан омон қолиб, жанггоҳлардан қайтгач, умрини эл-юрт осойишталигини сақлашдек эзгу ва шарафли ишга бағишлаган фахрий билан суҳбатлашсангиз, дилингиз яйрайди. Гулмитдин ота ҳам ўзининг ёшлик дамлари, урушда кўрган-кечирганлари, кейинчалик ички ишлар органларидаги хизмат фаолияти ҳақида гапириб, ёшларни бугунги дориламон кунларга шукрона айтиб, Ватанга ҳалоллик ва садоқат билан хизмат қилишга чақиради.

— Мамлакатимиз Президенти, Ички ишлар вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва ИИБ раҳбарияти бизга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишяпти, — деди Гулмитдин ота. — Айниқса, вилоят ИИБ раҳбариятидан чексиз мамнунман. Ҳар байрамда ўтказиладиган тадбирларга таклиф қилишади, хонадонимга келиб, ҳолимдан хабар олишади, баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишади. Биз кексаларга бундан ортиқ ғамхўрлик ва эътибор бўлмаса керак. Бундан ғурурланиб, тетиклашиб боряпман. Яратилаётган бундай шароитдан кейин жим ўтириб бўладими, маҳаллага чиқиб, ёшларга насиҳат қиламан, ички ишлар органларидаги учрашувларда тажрибаларимдан гапириб бераман.

– Иккинчи жаҳон урушининг тирик афсоналари бўлган фахрийларимиз ғанимат, – дейди вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Араббой Усмонов. – Уларга ҳар қанча ҳурмат-эҳтиром кўрсатсак ҳам кам. Гулмитдин ота ҳам ана шундай қаҳрамонлардан бири. Унинг ўзи бир пайтлар ишлаган даргоҳга келиши, ёшлар билан учрашуви ва айтган панд-насиҳатлари биз учун ҳаётий сабоқ ва муҳим дастуриламал бўлади.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*

**Суратда:** *Гулмитдин ота Ҳусаинов ёшлар билан учрашувда.*

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# КАСБИГА САДОҚАТЛИ ХОДИМ

**Ҳаётини эл-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлашга бахшида этаётган фидойи ходимлар жуда кўп. Улардан бири Хоразм вилояти ИИБ ЙҲХБ бўлинмалари ЙПХ отряди 3-сафарбар гуруҳи ЙПХ инспектори, «Шуҳрат» медали соҳиби сержант Мансурбек Латиповдир.**



...Тунги пайт. Ҳалол меҳнатсиз бойлик орттиришни мақсад қилган босқинчилар Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги хонадонлардан бирига бостириб киришди. Юзларига ниқоб таққан бу кимсаларнинг кутилмаган «ташрифи» хонадондагиларни саросимага солиб қўйди.

Босқинчилар уларни қўрқитиб, қимматбаҳо буюмлар ҳамда пулларни топиб беришини талаб қилишади. Шовқин-суронни эшитган Сайфулла аканинг ён қўшниси Акром Ёқубжонов дарҳол ёрдамга шошилди. Бундан саросимага тушган босқинчилар қочиб қолишди. Хонадондагилар зудлик билан бу ҳақда туман ички ишлар органларига хабар беришди. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида уч нафар жиноятчидан икки нафари дарҳол қўлга олинди. Аммо асли хоразмлик бўлган М. Жаҳонгир қочиб қолишга улгурганди.

Хоразм вилоятининг Қорақалпоғистон Республикаси билан чегарадош ҳудудида жойлашган «Чолиш» блок-постида хизмат вазифасини ўтаётган сержант Мансурбек Латипов «Беруний–Урганч» йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган «ISUZU» русумли автобусни тўхтатиб, ҳайдовчининг ҳужжатларини текшира бошлайди. Кутилмаганда босқинчилик жиноятини содир этишда гумон қилинаётган М. Жаҳонгирнинг йўловчилар орасида ўтирганини кўриб, ҳамкасблари билан дарҳол уни қўлга олишади.

Кўп йиллардан буён осойишталикни таъминлашдек шарафли соҳада сидқидилдан хизмат қилаётган сержант Мансурбек Латиповнинг фаолиятидан бундай воқеаларни кўплаб келтириш мумкин. У Урганч туманининг Ўртаёп маҳалласида туғилиб камолга етган. Урганч автомобиль йўллар техникумини тугатгач, икки йил ҳарбийлар сафида йигитлик бурчини адо этиб қайтгандан сўнг отаси, марҳум кичик сержант Маҳмуд Латиповнинг касбини давом эттиришни мақсад қилди. Кўп ўтмай вилоят ИИБ қўриқлаш бошқармаси алоҳида батальонига ишга қабул қилинди. Касбий кўникма ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя этиш ҳар бир ходим учун муҳим эканлигини яхши англаган сафдор Мансурбек Латипов устози, катта сержант Шуҳрат Эгамовнинг насиҳат ва ўгитларига риоя этди.

Кейинроқ раҳбарлар етарли тажрибага эга бўлган кичик сержант Мансурбек Латиповни вилоят ИИБ ЙҲХБ йўл-патруль хизмати инспектори лавозимига ўтказишди. Бу вазифада ҳам у масъулиятни чуқур ҳис этиб, ҳамкасбларидан ортда қолмасликка астойдил киришди.

– Ҳар бир хизматда ўзига хос масъулият ва айрим қийинчиликлар бўлади, – дейди сержант Мансурбек Латипов. – Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдек муҳим вазифа ҳам ходимдан ниҳоятда ҳушёрликни, ҳар қандай мураккаб вазиятда аниқ ва тўғри қарор қабул қилишни талаб этади. Хизмат фаолиятим давомида айнан ўша жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, қонун талабларига қатъий риоя этаман. Ҳайдовчилар билан хушмуомала бўлиш энг муҳим шиоримга айланган.

Катта тажрибага эга бўлган Мансурбек камтар, хушмуомала, тиришқоқ ва изланувчанлиги билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. У вилоят ҳудудида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадбирларда ҳам фаол иштирок этяпти.

– Сержант Мансурбек Латипов энг фаол ва фидойи ходимларимиздан бири, – дейди вилоят ИИБ ЙҲХБ бўлинмалари 3-сафарбар гуруҳи командири, лейтенант Ҳамза Жуманиёзов. – У ўтган йилда уч мингга яқин йўл-ҳаракати қоидабузарликларини аниқлашга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, «Қидирув» тадбирида ҳам фаол иштирок этиб, муқаррар жазодан яшириниб юрган шахсни қўлга олишда алоҳида ташаббус кўрсатди.

Сержант М. Латипов тажрибали мураббий сифатида ёш ходимларнинг касбий кўникмасини оширишга, уларнинг билимларини янада оширишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Ундан тарбия олган кичик сержантлар Санжар Йўлдошев, Дониёрбек Раҳмонов, Сардор Отажонов сингари ходимлар хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришиб, ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор бўляпти.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

**Суратда:** «Шуҳрат» медали соҳиби, сержант Мансурбек Латипов хизмат пайтида.
**Муаллиф олган сурат.**

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Бугунги кунда электрон ҳужжатлар юритиш, дастурлаш ва онлайн дарсларни ташкил этиш бўйича юртимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида ёшларнинг ахборот технологияларига оид билимларни янада чуқурроқ эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиляпти.**

# «СОҲИБҚИРОН» ЖАМОАСИ – ТАНЛОВ ҒОЛИБИ



Куни кеча Миллий гвардия Ҳарбий-техника институтида таҳсил олаётган курсантларнинг ахборот технологиялари ва дастурлаш ишлари бўйича олган билимлари, интеллектуал салоҳияти, ҳуқуқий ва маънавий саводхонлиги ҳамда зукколиги ва тезкорлигини синовдан ўтказиш мақсадида «Балли, йигитлар» кўрик-танлови ташкил этилди.

Мазкур танловда курсантлар, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматчилардан иборат жамоалар икки босқичда беллашди. Дастлабки шартларда жамоаларнинг махсус дастурлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича назарий ва амалий билимлари электрон тарзда баҳоланди. Иккинчи шартда эса иштирокчилар ҳуқуқий ва маънавий саводхонлигини амалда кўрсатишлари учун эркин мавзудаги саҳна кўринишларини тайёрлади. Шундай қилиб, ҳакамлар томонидан эълон қилинган якуний натижаларга кўра, 3-босқич курсантларидан иборат «Соҳибқирон» жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

Шунингдек, тадбир давомида ўз чиқишларини намойиш этган институт оркестр жамоаси, бадиий ҳаваскорлик ва жанговар ҳарбий санъат ҳаракатларини намойиш қилувчи гуруҳлар ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Танлов сўнгида эса ғолиб жамоа ва фаол иштирокчиларга турли номинациялар бўйича диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Нафосат ЗАФАРОВА,**
**Миллий гвардия Матбуот хизмати етакчи мутахассиси.**

# ВАТАНИМИЗ ФАХРИ



Яқинда Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси, лейтенант Муроджон Аҳмадалиев АҚШнинг Майями шаҳрида бўлиб ўтган профессионал бокс мусобақасида ўз маҳоратини намойиш этиб, мамлакатимиз бокс тарихида рекорд натижани қўлга киритди. Сафдошимиз америкалик чемпион Даниел Романга қарши 12 раунд давом этган жангда ғалаба қозониб, профессионал бокснинг иккинчи ярим енгил вазн тоифасида WBA ва IBF йўналишлари бўйича чемпионлик камари соҳибига айланди.

Шу йилнинг 3 февраль куни Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида оламшумул ғалабага эришган М. Аҳмадалиев тантанали тарзда кутиб олинди. Миллий гвардия ҳарбий оркестри мусиқа садолари остида бошланган ушбу маросимда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон бокс федерацияси раиси Очилбой Раматов, Ўзбекистон Миллий гвардияси қўмондонлиги, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

Олимпия шон-шуҳрати музейида ташкил этилган тақдирлаш маросимида эса дунёда ўзбек спортининг нуфузини янада ошириш-га муносиб ҳисса қўшган спортчимизга мамлакатимиз Президентининг фармонига биноан берилган «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони Бош вазир Абдулла Арипов томонидан топширилди. Шунингдек, у Юртбошимизнинг совғаси – Тошкент шаҳридан уч хонали уй ва «Tracker» автомобили билан тақдирланди.

Ҳамкасбимизни юксак ғалаба ва муносиб ютуқлар билан қутлаган ҳолда, келгуси фаолиятида омадлар ёр бўлишини тилаб қоламиз!

**Нозима МАҲМУДОВА,**
**лейтенант.**

# ТЕМУРБЕКЛАР МАКТАБИ – МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

**Бугунги кунда қалбига ҳарбий-ватанпарварлик ғоялари сингдирилган ва теран фикрловчи ёшларни тарбиялаш давр талабига айланмоқда. Бу борада таълим муассасаларининг ўрни беқиёсдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги «Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этди.**



Ушбу қарорга мувофиқ, Мудофаа, Ички ишлар ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардия тизимида «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилди.

Миллий гвардия таркибидаги Тошкент «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейида ўқиш муддати 2 йил бўлиб, унинг бир йиллик қабул квотаси 100 кишини ташкил этади. Унга умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларининг 9-синфини тамомлаганлик тўғрисидаги шаҳодатномага эга, шунингдек, соғлиғининг ҳолати бўйича ўқишга яроқли деб топилган ҳамда саралаш танловидан муваффақиятли ўтган ўғил болалар қабул қилинади.

Ҳарбий-академик лицейда ўқишни истаган номзодлар учун дастлабки танлов уларнинг аризалари асосида яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўйича бўлимларда ҳар йили 1 апрелдан 30 апрелга қадар ўтказилади. Халқаро ва республика фан олимпиадаларининг ғолиблари (белгиланган қабул квотаси доирасида), ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда жароҳатланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарув бўлинмалари хизматчиларининг фарзандлари – (квотадан ташқари), етим, ота-она қаровисиз қолган, ижтимоий носоғлом оилаларда яшаётган, давлат ва жамият кўмагига муҳтож бўлган, жорий йилда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган ўқувчилар, Вояга етмаган ёшлар билан ишлаш бўйича ҳудудий идоралараро комиссия тавсияси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг қарорлари асосида (квотадан ташқари, белгиланган квотанинг 5 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда) «Темурбеклар мактаби»га тест синовларисиз танловдан ташқари ўқишга қабул қилинади.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги раҳбарлигида ўтказилаётган республика ва халқаро спорт мусобақаларининг ғолибларига Давлат тест маркази томонидан ўтказилаётган тест синовларида улар тўплаган балларнинг 20 фоиз миқдоридаги қўшимча баллар кўринишида имтиёз берилади. Мазкур ҳарбий-академик лицей битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ўқишга киришда Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларида ўзлари тўплаган балларнинг 30 фоиз миқдоридаги, республиканинг бошқа давлат олий таълим муассасаларига ўқишга киришда эса, ўзлари тўплаган балларнинг 15 фоиз миқдоридаги қўшимча баллар кўринишида имтиёз берилади. Мазкур мактабни имтиёзли диплом билан тугатган битирувчиларга, таркибида «Темурбеклар мактаби» бўлган вазирлик ва идораларнинг тегишлилиги бўйича олий ҳарбий таълим муассасаларига тест синовларисиз, ҳарбий-касбий саралаш тадбирларини муваффақиятли ўтиш натижасида кириш ҳуқуқи берилади.

Ўтган йилнинг 23 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейларининг инфратузилмаси, ўқув ва моддий-техник базасини такомиллаштириш бўйича комплекс дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, республикамизда фаолият юритаётган барча ана шундай таълим масканлари замонавий талабларга жавоб бера оладиган энг илғор ўқув ва моддий-техник база билан таъминланадиган бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, келажагимиз эгалари бўлмиш ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг эртанги кунига бўлган ишончини янада ошириш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Нодира РАСУЛОВА,**
**Миллий гвардия Ҳарбий-техника институти доценти.**

ЗДОРОВЬЕ

# ЧТО ТАКОЕ ОПОЯСЫВАЮЩИЙ ЛИШАЙ?

*Это заболевание, которое поражает не только кожные покровы, но и нервную систему. Опоясывающий лишай и ветряная оспа вызываются одним вирусом – варицелла зостер. Однако эти заболевания радикально отличаются друг от друга по симптомам и течению.*

*Однократно переболев ветряной оспой в детстве, не стоит полагать, что вирус побежден иммунной системой полностью. Он остается в организме в спящем состоянии. Место его локализации – черепные нервы и нервные узлы. Вирус может проявляться на протяжении долгих лет, пока иммунитет человека контролирует его размножение и вырабатывает против него антитела в необходимом объеме. Когда определенное звено иммунной системы дает сбой, вирус вновь активизируется, но вызывает уже не ветряную оспу, а опоясывающий лишай. Поэтому мнение, что, переболев ветрянкой однажды, больше с этим заболеванием не столкнешься никогда, является ошибочным. Повторного заражения произойти не может, так как вирус уже есть в организме, но обостриться болезнь может с высокой долей вероятности, только будет она протекать как опоясывающий лишай.*




## Симптомы

Клиническая картина характеризуется острым началом, с выраженными болями и сильным жжением в месте поражения.

Заболевание поражает область человеческого тела чаще всего с одной стороны. Зонами локализации опоясывающего лишая могут выступать: туловище; нижние и верхние конечности; межреберные участки; лицо (его часть по ходу троичного нерва); затылок; шея.

Если опоясывающий лишай поражает лицевую часть, то высыпания будут располагаться по ходу троичного, либо лицевого нерва. Если поражению подвергается участок тела, то высыпания будут располагаться по ходу спинномозговых нервов. Этот факт объясняется высоким скоплением вируса в нервных узлах, поэтому кожные проявления локализуются по ходу задействованного нерва.

## Начало заболевания

Оно сопровождается общим недомоганием, неврологическими болями различной интенсивности. Продолжительность начального периода может составлять от 48 часов до 4 суток.

Параллельно больной испытывает чувство слабости; головные боли; повышение температуры тела до 37–38°С; озноб; боль, жжение, зуд, выраженное покалывание в районе того участка тела или лица, где в последующем появятся высыпания. По мере нарастания симптомов происходит увеличение лимфатических узлов, они становятся болезненными. Когда температура тела понижается, вызванные ею симптомы в виде интоксикации значительно ослабевают.

## Высыпания

Следующая стадия заболевания характеризуется появлением высыпаний на кожных покровах в виде небольших пятен розового цвета, размер которых около 0,5 мм. Они располагаются очагами. На их месте спустя сутки появляются пузырьки, наполненные серозным содержимым: бесцветным, иногда с примесью крови. Высыпания постепенно опоясывают тело.

По прошествии двух недель на том месте, где ранее были высыпания, формируются корочки от желтого до коричневого цветов. Места, где располагались везикулы, теряют свой насыщенный окрас. Постепенно корочки отпадают, а на коже остаются участки пигментации.

Если лишай протекает в легкой форме, то возможно появление кожных узелков без последующего образования пузырьков, либо человек будет испытывать боли только по ходу нервов, а высыпаний не будет. В этом случае важно поставить правильный диагноз, дифференцировав опоясывающий лишай в легкой форме от межреберной невралгии, остеохондроза и болей в сердце.

## Боли

Болезнь сопровождается сильнейшими болями, которые возникают даже от незначительного прикосновения к коже. Это обусловлено тем, что вирус локализуется в нервных клетках, нарушая их работу и во много раз увеличивая чувствительность нервных окончаний. Боли могут быть тупыми, жгучими или сверлящими и беспокоить человека даже после того, как высыпания полностью сойдут.

## Лечение

Обращение к врачу при наличии симптомов опоясывающего лишая обязательно. Он может рекомендовать прием специализированных препаратов, которые будут способствовать скорейшему восстановлению кожных покровов и быстрому избавлению от симптомов заболевания. Продолжительность курса лечения чаще всего – от недели до 10 дней.

**Ольга КОНДРАТЬЕВА,**
**врач-дерматолог поликлиники медицинского отдела УВД Андижанской области.**

ПОЛЕЗНЫЕ СОВЕТЫ



# Медицинская маска

**Одноразовая медицинская маска является эффективным средством, предотвращающим заражение гриппом и другими респираторными вирусными инфекциями. В сочетании с тщательной гигиеной рук и другими мерами профилактики маска значительно снижает риск инфицирования.**

**Респираторные вирусные инфекции передаются от человека к человеку преимущественно воздушно-капельным путем. Когда больной говорит, чихает или кашляет, у него образуются микрокапли респираторных выделений, которые могут содержать вирус. С воздухом они способны перелететь на поверхность слизистой оболочки носа или рта окружающих людей. Медицинская маска предотвращает попадание в организм здорового человека капель респираторных выделений**

**Когда нужно надевать маску**

